O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 17 октябрь, № 203 (4102) Сешанба

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Энг аввало, сиз қадрдонларимни — заҳматкаш бобо деҳқон ва фермерларни, миришкор сувчилар, моҳир теримчи ва механизаторларни, соҳанинг билимдон мутахассис ва мутасаддиларини, мўл ҳосил етиштириш ва уни ўз вақтида йиғиб-териб олишдек эзгу мақсад йўлида бел боғлаб жонбозлик кўрсатган республикамизнинг барча меҳнаткашларини 3 миллион 600 минг тоннадан зиёд юксак сифатли пахта хомашёси тайёрлаб, улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан самимий қутлайман.

Сизлар эришган бугунги юксак зафар мард ва фидойи деҳқонларимизнинг барчамиз орзу-ният қилган буюк марраларни забт этишга қодир эканини яна бир карра амалда исботлаб бергани билан қадрлидир.

Мана, икки йилдирки, лафзи ҳалол, азамат пахтакорларимиз шартнома мажбуриятларини ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, октябрь ойининг биринчи ярмида адо этиб, ўз олдига қўйган мақсадига эришмоқдалар. Илгари тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўлган бундай марралар қўли қадоқ, заҳматкаш деҳқонларимизнинг йил давомида кечани кеча, кундузни кундуз демай қилган ўта оғир ва машаққатли меҳнати, ғайрат-шижоати ва қатъиятлилиги ҳисобидан қўлга киритилганини барчамиз яхши тушунамиз ва ҳақли равишда қадрлаймиз. Мана шундай ёруғ кунларга етказган, эл-юртимиздан меҳр-мурувватини аямай, ҳамиша йўлимизни очиб бераётган Яратганимизга шукроналар келтирамиз.

Пахтачилик соҳасида эришилаётган муваффақиятларнинг асосий омиллари ҳақида гапирганда, мен биринчи галда халқимизга хос меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва тантилик фазилатларини, эртанги кунга ишонч, ўз юртига садоқат ва меҳр билан яшаш туйғусини, одамларимизнинг онги ва тафаккурида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугунги салмоқли ютуқ кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, деҳқон меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, ерга, мулкка нисбатан чинакам эгалик ва манфаатдорлик ҳиссиётини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимиз, авваламбор, фермерлик ҳаракатининг устуворлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этганининг тасдиғи ва натижасидир.

Бу йилги мавсумда тайёрланган пахта ҳосилининг 85 фоизи ернинг ҳақиқий соҳибларига айланиб бораётган фермер хўжаликлари томонидан етиштирилганининг ўзи фермерлик ҳаракатининг қандай катта салоҳият ва истиқболга эга эканини яна бир бор исботлаб бермоқда.

Бундай ижобий мақсадларга эришиш, аввало, истиқболли, эртапишар ва серҳосил навлар яратиш, уларни иқлим ва тупроқ унумдорлигига мос равишда жойлаштириш, илғор технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жумладан, деҳқон ва фермерларни кредит ресурслари, янги техникалар, минерал ўғит ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш, турли зараркунанда ҳашаротларга қарши биологик усулларни қўллаш каби ишларнинг тўғри ташкил этилгани ва ўз вақтида амалга оширилгани эвазига бўлаётганини яхши англаймиз. Бу борада сон ва миқдор эмас, балки юксак сифатли ҳосил олиш бош мақсад қилиб қўйилгани — буларнинг барчаси пахтачилик соҳасида эришилаётган юксак марралар ва меҳнат самарасининг асосий омили ва манбаи, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шулар қаторида пахта ҳосилини қайта ишлаш, замонавий технологиялардан фойдаланиш, экспорт талабларига жавоб берадиган шартларни қўйиш, шу тарика деҳқонларимизнинг даромадини кўпайтириш асосий мезонга айлангани туфайли дунёда ўзбек пахтасига бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Мамлакатимизда пахтачилик соҳасини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, кейинги йилларда икки юзга яқин тўқимачилик корхонаси замонавий асосда модернизация қилинди ва янгитдан барпо этилди. Ана шундай ўзгаришлар натижасида юртимизда етиштирилаётган пахта ҳосилининг 27 фоизи ҳозирги пайтда ўз корхоналаримизда қайта ишланиб, тайёр маҳсулот сифатида чиқарилаётган бўлса, яқин келажакда бу рақамни 55 фоизга етказиш мақсадида енгил саноат тармоғида аниқ дастур бўйича катта ишлар олиб борилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, иқтисодиётимизнинг барқарор бўлиб бораётгани қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, барча вилоятлар, туман ва қишлоқларимизда янги-янги корхоналар, кўркам уй-жойлар, равон йўллар, юзлаб мактаб, лицей ва коллежлар, замонавий тиббиёт муассасалари барпо этилиши пешона тери билан қилган ана шундай машаққатли меҳнатимизнинг меваси ва амалий намоёнидир, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Буни узоққа бормасдан, ҳозирги кунда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 84 фоизга, табиий газ билан таъминлаш даражаси эса 81,5 фоизга етгани, фақатгина жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикамиз бўйича 1350 тадан ортиқ умумтаълим мактаби бутунлай янгича қиёфа касб этгани, жумладан, 65 та янги мактаб бунёд этилгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ҳеч шубҳасиз, ишлаб чиқариш тармоқлари, иқтисодиётимизнинг ҳал қилувчи соҳаси бўлмиш қишлоқ хўжалигида иш унуми ва самарасини ошириш асосида биринчи навбатда қишлоқ ҳаётини янги босқичга кўтариш, шу заминда яшаётган одамларнинг оғирини енгил қилиш вазифалари бундан буён ҳам давлатимиз, ҳукуматимизнинг доимий эътибор марказида бўлишини таъкидлаб айтмоқчиман.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Мана шу муборак рамазон кунларида сизларнинг барча-барчангизни бағримга босиб, бутун Ўзбекистон аҳлини бугунги катта ғалаба билан яна бир бор қутлар эканман, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик, файзу барака, бахт ва омад тилайман.

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, доим омон бўлинг!

Ҳорманг, асло кам бўлманг, қадрдонларим!

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ



Мамлакат бўйлаб ажойиб хушхабар тарқалди: Президентимиз Ўзбекистон пахтакорларига зафар маррасини забт этганлари билан табрик йўлладилар. Бу қувончли воқеадан пахта етиштириш билан бевосита банд бўлганлар ҳам, халқ хўжалигининг бошқа жабҳаларида меҳнат қилаётган кишилар ҳам бирдай хурсанд бўлишди. Негаки, пахта Ўзбекистоннинг тинчлиги-осойишталиги, фаровонлиги рамзига айланиб кетган бўлиб, мазкур хомашёнинг кўпайиши Ватан қудратининг юксалишига чамбарчас боғлиқдир.

Суронларсиз мавсум

Албатта, эришилган ғалаба далани экишга ҳозирлашдан то терилган ҳосилни қайта ишлаш корхонасига етказган кишилар — ҳамма-ҳамманинг виждонан меҳнат қилганлиги натижасидир. Ана шу манзиллар бўйлаб барча ўз ишини билиб қилгани учун мўлжалдаги марра октябрь ойининг биринчи ярмида эгалланди.



Ахир ақлимизни таниганидан буён пахта йиғим-терими бутун ноябрь ойи ва нариёғи декабрнинг сўнгги кунларигача давом этарди. Пойтахтдаги бутун корхона ва ташкилотлар ялпи сафарбар этилар, ҳамма иш жойжойида тўхтар — ўшанда ҳам мавсум деганингиз аччиқ ичакдек чўзиларди. Бундай даҳмазадан безиллаган одамлар «Қачон бу ишларда тартиб бўларкин» дея нолиб қўйишарди. Мана, ўша орзулар рўёбга чиқадиган кун келди. Чигит жуда қисқа ва мақбул муддатларда экиляпти, ўғит ва кимёвий моддалар маромида далага етказилаяпти, ёнилғи-мойлаш ашёлари фермер эҳтиёжига яраша бериляпти. Пахта теримида ҳам шаҳарликларни безовта қилишга ҳожат қолмаяпти. Фермер ўзи етиштирган ҳосилни ўзи йиғиштиришдан манфаатдор механизм вужудга келтирилган. Энг муҳими, кейинги йилларда агросаноат жабҳасида аниқ ишловчи ТИЗИМ яратилди.

Мавсум бошида Қумқўрғон ва Сариосиё туманлари пешқадам бўлишди. Бу, табиий, чунки ҳосил энг аввало жанубий ҳудудда пишиб етилади. Лекин астойдил бўлган, чин фидойилик кўрсатган ҳудудлар табиатнинг бу хусусиятини ҳам ҳисобга олмасдан бутун халқни қойил қолдиришмоқда. Шимолий ҳудудда жойлашган қорақалпоқ пахтакорлари зафар маррасига биринчи бўлиб етиб келишди. Узоқ вақтдан буён қолоқликдан чиқа олмаган Сирдарё вилояти деҳқонлари бугун пешқадамлар сафида туришибди. Вилоятнинг Сардоба тумани фермерлари... ўн олти йиллик танаффусдан кейин режани уддалашди. Қашқадарё вилоятидаги Касби тумани пахтакорлари бугунгача салкам 70 минг тонналик хирмон бунёд этишди. Ҳа, мавсумнинг бундай рекордлари жуда кўп. Энг муҳими, бу мавсум ортиқча шовқин-сурондан холи, ҳар ким ўз жойида бурчини адо этган ҳолда эришилган ютуқлар билан нишонланди.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

ҚУТЛОВ

Қўшқулоқ гўзани кафтда авайлаб,
Қийғос шоналарга чулғонтиргансиз!
Юракдек кўсакни меҳр ила сийлаб,
Оппоқ кўнгил каби уйғонтиргансиз!

Жаннат гули дерлар пахтани азал,
Оламга муждалар учмоқда бугун.
Сизнинг заҳматингиз боис — мукаммал —
Жаннат ер юзига кўчмоқда бугун.

Ҳар битта тола бу — меҳр риштаси,
Ҳар битта чигитда ризқнинг тимсоли.
Дастурхон бошида қут фариштаси,
О, қандай нашъали зафар висоли!

Теримчи қизларнинг юзидек гулгун
Уфққа чўмаркан умидвор қўёш —
Оловли юракдан қўр олмоқ учун
Ҳар тонг шафақлардан кўтаради бош.

Йиқитган полвондек жўшмоқда сурур,
Тўй, ахир хирмонлар тўлгандан кейин.
Деҳқон манглайида жилоланди нур —
Ўз ерига эга бўлгандан кейин.

Сиз камтар ва камгап. Эрта-кеч тинмай
Юрибсиз дўстларни суюнтирай деб.
Нону тузингизни бўлишмакка шай,
Яшайсиз жаҳонни кийинтирай деб!

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Умумхитой халқ вакиллари мажлисининг халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар бўйича қўмитаси раиси, мажлиснинг Доимий қўмитаси аъзоси Цзян Энчжу раҳбарлигидаги делегация 16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида барча соҳаларда бўлгани каби парламентлараро ҳамкорлик ҳам йил сайин ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар бу борада муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Қонунчилик палатасидаги учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги парламентлараро алоқаларнинг истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Меҳмон мамлакатимизнинг икки палатали парламенти фаолияти билан танишди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳиддинова билан суҳбатда ҳам икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилинди. Томонлар парламентлараро алоқаларни кенгайтириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, истиқболда бу йўналишдаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

(ЎзА).

ЧИН ФЕРМЕРЛИК СЎЗИМ

Ўтган ҳафта Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз нутқи халқимиз эътиборида бўлди. Ушбу воқеага муносабат билдириб, таҳририятимизга хат-хабар йўллаётган, қўнғироқ қилаётган юртдошларимиз ўзларини тўлқинлантираётган масалаларни баён этишмоқда. Қашқадарёлик фермер Файзулло ЛУТФИЕВ таҳририятимизга сим қоқиб, шундай деди:

Муносабат

— Илтимос, сўзларимни ўзгартирмай газетага чиқарсангиз, — дея гап бошлади Ф.Лутфиев. — Очиғи, биз айтган гапларни силлиқлаб чиқаришган пайтлар ҳайрон қоламиз. Президентимиз Андижондаги сессияда фермернинг ўз сўзини беринглар, деб айтдилар-ку. Шунинг учун қўнғироқ қилаяпман. Менинг чин фермерлик сўзим шу:

Фермер хўжалиги жорий этилгач, ҳамма нарса ўз-ўзидан бўлаверади, дейиш нотўғри. Эҳ-ҳе, бугунги кунга етгунча она сутимиз оғзимизга келди-ку! Дастлаб ўзимизга ажратилган ерда иш бошлаганимизда ишонгандан ишонмаган кўп бўлди. Ёлғиз отнинг чанги чиқмайди, узоққа боролмайсан, дейишди. Лекин биз ёлғиз эмас эдик. Шу улуғ ҳаракатнинг бошида Президентимиз турганлигини бир дақиқа ҳам ҳаёлимиздан кўтармадик. "Келажак – фермерларники" деган чақириқ бизга чексиз кучқудрат адо этди.

Фермер деганда ёлғиз бир киши ёки оила тасаввур қилинмайди. Бу жамоанинг оғир юкни кўтарадиган норлари, шу юкни енгиллаштирадиган техника воситалари бор. Етарли даражада қуролланиб, ишнинг ҳадисини олдингизми, фидойи меҳнат ўз самарасини бермай қолмайди.

Лекин бугун ҳам фермер деган улуғ номга эга бўлиб, амалда қўл учида ишлаётган ҳамюртларимиз борлигини айтишим керак. Ундайлар ернинг умрини беҳуда ўтказади, юксак номга соя ташлайди.

Келинг, шап-шап дегунча, шафтоли дея қолайлик. Бор гапни айтай: 229 гектар ерим бор. Бу йил сув танқисроқ бўлди. Шунинг учун пахтадан 50 центнердан ҳосил олдим. Аслида, 60 центнерни мўлжаллаб турувдим. Майли, шунисига ҳам шукр. Хўш, бунинг фойдасини ким кўради? Ўзимиз-да. Бу йил 92 миллион сўм соф даромад оламиз, худо хоҳласа. Шунинг учун ҳамма ишга ёпишган.

Аввалларги одамларни далага ҳайдаш азоб эди. Энди эса моддий манфаатдорлик яхши йўлга қўйилгандан сўнг, ҳеч кимнинг қистовисиз одамлар далага интилишаяпти. Аксарият фермерлар "Бизга ҳашарчининг кераги йўқ, ўзимиз етиштирдикми, ўзимиз териб оламиз", дейишаяпти. Гап бу ўринда фақат терилган пахта учун тўланадиган пулда эмас, пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг қадри хусусида бораяпти.

Шу десангиз, бир йил катта ўғлим Нодирбекни ҳарбий хизматга жўнатишга тўғри келди. Ишонасизми, уни армияга жўнатишга улгуролмадим. Тўғироғи, вақт тополмадим. Далага кўнгил бердингми, ундан чиқолмас экансан.

Жа мақтанди деманг-у, ҳозир ўндан ошиқ ҳар хил тракторим бор. Енгил машиналарим-ку қўша-қўша. 158 бош қорамол боқамиз. Ўтган йил қилган 60 миллион сўмлик даромадимизнинг бир қисмини мактаб ва йўлларни таъмирлашга ажратдик. Кам таъминланган рўзғорлардаги болаларни суннат тўйларини ҳам ўтказдик. Шундай бўлгач, давраларнинг тўри ҳам бизники. Бунинг ҳаммаси нимадан? Мустақилликдан. Мана, гап қаерда. Шунинг учун ишлаган кам бўлмаяпти. Кун ўтса, бўлди-да, деганлар кўпдан ажралиб қолаверади.

Хуллас, бугун бизда ишлар юришиб кетди. Бундан димоғимиз чоғ. Иложи бўлса, вақт топиб бир келинглар. Кўрсатишга арзигулик ишларимиз жуда кўп.

Файзулло ЛУТФИЕВ,
Миришкор туманидаги «Камалак» фермер хўжалиги раҳбари.

Сурхондарёнинг 345 минг тонналик хирмони

Сурхондарё вилояти пахтакорлари пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажардилар. Улар бу йил 120 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиб, Ватан хирмонига 345 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб бердилар. Давлатга сотилган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

Иқлим ва тупроқ шароитига мос навлар танлангани, ғўза парваришида агротехника қоидаларига риоя этилгани, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва техника воситалари таъминоти яхши йўлга қўйилгани, йиғим-терим мавсуми уюшқоқлик билан ташкил этилгани муваффақиятлар омили бўлди.

Вилоятнинг Қумқўрғон ва Сариосиё туманлари миришкорлари республикада биринчилар қаторида зафар маррасини эгаллаган бўлсалар, улардан кейин Денов, Шўрчи, Музработ, Шеробод ва Олтинсой туманлари пахтакорлари ҳам давлат буюртмасини ошириб адо этдилар.

Эришилган ғалабага, айниқса, 6 мингдан зиёд фермер хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Хусусан, «Лочин», «Мирзо Ғолиб», «Анҳор», «Уста Эшмат», «Қорабой Тилак», «Вали», «Шароф», «Тойлоқ» каби фермер хўжаликлари мўлжалдагидан кўп хирмон уйиб, бошқаларга намуна бўлдилар.

Айни кунларда вилоят хўжаликларида пахта йиғим-терими давом этмоқда.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Эзгу фикр» телефони

Диққат, янгилик!

Муҳтарам газетхон!

«Халқ сўзи» газетаси ўз номи билан халқимизнинг ўй-фикрлари, орзу-интилишлари, онгу тафаккурини акс эттиришга йўналтирилган. Шу юртга дахлдор, миллатимиз келажагини ўйлаган фуқароларнинг эса Ўзбекистон манфаатидан кўра олий мақсади йўқ.

Мамлакатимизнинг асл бойлиги бўлмиш шу Ватан фарзандларининг энг қимматли фикрлари, таклиф ва мулоҳазаларини барчанинг мулкига айлантириш ниятида «Халқ сўзи» таҳририятида «Эзгу фикр» телефони иш бошлади. Кўнглингизда туғилган эзгу фикр, маслаҳатларни ихчам, лўнда шаклда

133-59-60 рақамли телефонга

ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 19.00 гача етказишингиз мумкин. 8-371-136-37-85 рақамли факс эса узлуксиз ишлаб туради.

Марҳамат, қўнғироқ қилинг! Фикрингизни баён этинг! Юртимизнинг мавқеини янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш учун нималар қилиш лозимлиги ҳақидаги таклифларингизни ўртоқлашинг.

Эзгуликка, яхшиликка, тараққиётга хизмат қиладиган қўр фикрлар «Халқ сўзи» газетаси саҳифаларида чоп этилади. Қимматли таклиф — бебаҳо бойлик халқимизга хизмат қилишини истасангиз, «Эзгу фикр» телефонига қўнғироқ қилинг.

Парламент ҳаёти

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий юксалишида энг муҳим омиллардан бири бўлиб келган.

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Президентимиз ташаббуси билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, фармонлар ва қарорлар қабул қилинди ҳамда ушбу соҳани ривожлантиришнинг жаҳон андозаларига мос ҳуқуқий асослари яратилди.

ТАДБИРКОР МАНФААТИ УСТУВОР

Таъкидлаш жоизки, жамиятда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларидан бири — «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилингани бўлди. Чунки, айнан ушбу қонун фуқароларимизнинг мулкка ва ишлаб чиқаришга бўлган муносабатларини кескин ўзгартириб юборди. Бу, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришидаги улушини йилдан-йилга ортишига хизмат қилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган кўпгина қонунлар қаторида "Микромолиялаш тўғрисида"ги ва "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонунлар ҳам маъқулланди.

Мухбиримизнинг Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси ***Бахтиёр ИМИНОВ*** *билан қилган суҳбатида ушбу қонунларни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад ва уларнинг ижросини таъминлаш баробарида тадбиркорларга яратилажак имконият ва имтиёзлар хусусида сўз борди.*

— Мамлакатимиз Президенти томонидан ўтган йили қабул қилинган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришга қаратилган фармонлар ва қарорлар тадбиркорликни ривожлантиришга янада истиқболли ва ойдин йўлларни очиб берди, — дея гап бошлади Бахтиёр Мирзажонович. — Зеро, ушбу фармон ва қарорларда белгилаб берилган чора-тадбирлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг, стратегик вазифаларнинг мантиқий давомидир.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида ҳам кичик бизнес, фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни изчил давом эттириш, аҳоли ўртасида касаначиликни кенг йўлга қўйиш, бунда микрокредитлаш ҳамда микролизинг хизматлари кўрсатиш хажмини ва сифатини ошириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири эканлигини қайд этиб, ана шу мақсадларга хизмат қиладиган қонунлар қабул қилиш зарурлигига тўхталиб ўтган эди.

Шу билан бирга, қабул қилинган қонун, фармон ва қарорларга асосан, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилди ва уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилди.

"Микромолиялаш тўғрисида"ги ва "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Қонун ҳужжатларини қабул қилишдан асосий мақсад микромолиявий хизматлар бозорини ривожлантириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг фаоллигини ошириш ва уларни янада рағбатлантириш учун молиявий маблағлар, шунингдек, хизматларга бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқ таъминлаш кўзда тутилган. Қабул қилинган қонунларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва уйғунлиги уларнинг номларидан ҳам кўриниб турибди. Жумладан, уларнинг бирида кредит ташкилотларининг, аникроғи, кредит берувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, иккинчисида эса микромолиявий хизматдан фойдаланиш масалалари қонун моддалари билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Сир эмас, ҳар бир инсон ҳамиша яхши яшагиси ва эртанги ҳаётини янада кўркамроқ қилгиси келади. Тадбиркорлик эса ушбу олий ниятга элтувчи асосий йўллардан биридир. Бироқ ана шу мақсадда фаолиятини энди-энди бошлаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ёки фермер хўжаликларининг фаолиятидаги энг катта қийинчиликлардан бири — бу ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш учун асосий ва айланма маблағларнинг етишмаслигидир. Қабул қилинган "Микромолиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эса бу борада муҳим аҳамият касб этади. Қонун 25 моддадан иборат бўлиб, унда микромолиялаш, микрохизмат, ушбу хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар, микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидалари, зарур ҳужжатлар, шартноманинг асосий шартлари, қарз олувчи ва микромолиявий хизматларни таклиф этувчи молия муассасаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган.

Қонуннинг 4, 5, ва 6- моддаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки айнан уларда микрокредит, микроқарз ва микролизинг хусусида тушунчалар берилган ҳамда суммалар миқдори ҳам кўрсатиб ўтилган. Мисол учун, микрокредит қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақи миқдорининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида пул маблағлари берилади. Микроқарз ҳам юқоридаги шартлар асосида ва шартномада назарда тутилган ҳолларда эса тўловлилик шарти асосида энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида берилиши мумкин бўлган пул маблағларидир.

Микролизинг эса тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоригача бўлган суммада берилади. Эслатиб ўтиш жоиз, аҳолининг кенг қатлами микромолиялаш хизматидан фойдаланаётганларида олинаётган сумма учун гаров қўймайдилар. Бунда бирор-бир шахснинг кафолати ёки кафиллик хати бўлса бас.

— Табиийки, имтиёз ортида масъулият ҳам бор. Тадбиркорлик субъектларига берилган қарзларни қайтариш тартиби қонунда қай тарзда акс этган?

— "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонунда микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотнинг аниқ мажбуриятлари белгилаб қўйилганидек, қарз олувчининг ҳам ўз мажбуриятларини бажариши масаласи 18-моддада тўла-тўкис акс этган. Чунончи, қарз олувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати, мол-мулк, қимматли қоғозлар гарови, шу жумладан, гаров депозити, банкларнинг омонат сертификатлари ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда шартномада назарда тутилган қатор манбалар билан таъминланади.

Айни чоғда, Қонуннинг 20-моддасида қарз олувчи мажбуриятларининг кафолат берувчи ва кафил томонидан бажарилишининг таъминланиши аниқ белгилаб қўйилганки, бу биринчидан, микромолиявий хизматлар кўрсатувчининг ёки ташкилотнинг барқарор фаолият юритишига замин яратса, иккинчидан, иқтисодиётда муддати ўтган қарзлар салмоғи ортиб кетишининг олдини олади.

— Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Қонун ҳам кўриб чиқилди ва маъқулланди. Ана шу қонун талабларидан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталиб ўтсангиз.

— Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида"ги Қарори ва 2005 йил 14 июндаги "Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан ишлаб чиқилганини айтиш жоиз. Қонунда микрокредит ташкилотларини тузиш, улар орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молия муассасалари томонидан ажратилаётган ресурслардан фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш аниқ белгилаб қўйилди. Мисол учун, ушбу Қонуннинг 4-моддасида микрокредит ташкилотларининг юридик ёки жисмоний шахслар томонидан таъсис ҳужжатлари асосида қонунда белгиланган тартибда ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши қайд этилган. Яъни, маблағи бор шахслар ўзаро бирлашиб, белгиланган тартибда микрокредит ташкилоти тузишлари мумкинлиги ҳам содда тарзда баён этилган. Аксинча, давлат органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва диний идоралар томонидан микрокредит ташкилотлари тузишга рухсат берилмаслиги ҳам белгилаб қўйилган.

Унутмаслик керакки, микрокредит ташкилотлари Марказий банк ёки унинг ҳудудий бошқармаларига лицензия олиш учун мурожаат қилгунга қадар устав фонди фақат пул маблағларидан шаклланган бўлиши шартлиги мажбурий ҳисобланади. Айни чоғда, тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар ишончсиз, бузиб кўрсатилган тақдирда талаб рад этилиши мумкин. Ўз ўрнида, Қонунда лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор юзасидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкинлиги унинг 11-моддасида акс этган.

Микрокредит ташкилотларининг устав фондига қўйиладиган талаблар эса Қонуннинг 6-моддасида кўрсатиб ўтилган. Яъни, уларнинг устав фонди (пул жамғармалари) 20 фоиздан ошмаган миқдорда бошқа мол-мулкдан шакллантирилиши белгилаб қўйилди. Албатта, бу тартиб таъсисчиларга сезиларли енгиллик яратади.

Микрокредит ажратишнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири — бу кредит маблағларини ажратиш тартибининг соддалиги ҳисобланади. Яъни, микрокредит олиш учун гаров ёки таъминот турини тақдим этиш мажбурий шарт бўлиб ҳисобланмайди. Шу билан бирга, микрокредит ташкилотлари ўз мижозлари билан яқиндан иш юргизиб, яъни мижозларнинг яшаш жойларига бориб, ишончли мижозларга кредит бериш тартибларини тушунтирадилар, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашадилар ва ушбу ташриф жараёнида мижозларга тадбиркорлик фаолияти, бухгалтерия ишлари ва маркетинг фаолиятини олиб бориш бўйича батафсил маълумот берадилар.

Ҳаётда инсонга яхшилик қилишнинг кўпдан кўп йўллари мавжуд. Мисол учун, кимнингдир маблағи ўз эҳтиёжига етиб ортади. Аммо унинг қўшнисида тадбиркорлик салоҳияти бору, бироқ "қўли калта". Ана шундай пайтда қўшнисини маблағ билан қўллаб юбориш ҳам хайрли амаллар сирасига киради. Эндиликда қонун талаблари асосида маблағи зиёд инсонлар бирлашиб, микрокредит ташкилотлари тузиши ва ундан эҳтиёжманд инсонлар фойдаланиши қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди. Албатта, Қонуннинг тўлиқ ишлаши эса кўплаб манфаатларга мос тушади.

Қабул қилинган ҳужжатга кўра, микрокредит ташкилотлари ўз лицензиялари асосида филиаллар ҳам ташкил этишга ҳақли. Бу, ўз навбатида, микромолиялаш хизматлари бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиб, иқтисодиётнинг ўсишига ҳам хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар бир тадбиркор ўз фаолиятига дахлдор қонунчилик талабларидан чуқур хабардор бўлса ва уларда зикр этилган ҳуқуқлардан фойдаланиш баробарида ўз бурчини ҳам унутмаса, кўзлаган мақсадига тезроқ эришади.

ОСУДА ҲАЁТ ҚАДРИ

Ўтган ҳафтага назар

Октябрнинг иккинчи ҳафтаси якунида Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари иштирок этиб, нутқ сўзлади. Президентимиз вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётига тўхталиб, юзага келган аҳвол ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилар экан, йиллар мобайнида турли соҳаларда ечилмасдан келаётган муаммоларга эътибор қаратди.

Ачинарлиси шундаки, вилоят раҳбарлари мазкур ҳолатларга лоқайд қараб, ўзининг ва қариндош уруғларининг манфаатларини кўзлаш, данғиллама уйлар қуриш билан овора бўлган. Ўтказилган тафтиш натижаларига қараганда, 1,2 миллиард сўм маблағ талон-торож қилинган.

«Вилоятда ким қандай яшаяпти, ҳар қайси оилада қанча одам ишлайди, қанчаси иш тополмаяпти, улар рўзғорини қандай тебратаяпти — ҳаётнинг ўзи талаб қиладиган бундай ўткир саволларни кун тартибига қўйиш ва уларга жавоб топиш устида, афсус мутасадди раҳбарлар йиллар давомида бош қотирмасдан келган», деди ўз нутқида мамлакатимиз раҳбари.

Турли рақам ва баландпарвоз ҳисоботларни дастак қилиш орқасидан қанчаданқанча хўжаликлар қарзга ботган, уларнинг молиявий аҳволи ёмонлашиб борган. Бундан-да ташвишланарлиси, йил бўйи — қишнинг қаттиқ қаҳратонию, саратоннинг жазирамасида ҳам даладан бери келмаган деҳқон пировардида қанча даромад олаяпти, деган муҳим савол четда қолиб кетган.

Бу ҳолат вилоят қишлоқ хўжалигидаги аҳволнинг ёмонлашувига, жумладан пахта ва ғалла тайёрлаш режасининг кетма-кет бажарилмаслигига сабаб бўлди. Энг ачинарлиси, бир неча ўн миллиард сўмлик даромад бой берилди.

Маълумки, мунтазам равишда аҳолининг турли қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари кўриб келинмоқда. Шу боис фуқароларимизнинг яшаш шароити ва турмуш маданияти даражаси юксалиб бораяпти. Давлатимиз раҳбари ўтган ҳафтада имзолаган «2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармон ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Кузнинг ҳар дами ғанимат. Шу боис бободеҳқон йил бўйи қилган меҳнатининг маҳсули, ризқ-рўзимиз манбаи — «оқ олтин»ни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олиш пайида қозонини дала бошига кўчирган. Натижада республикамиз вилоятлари кетма-кет давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режасини бажариб, зафар маррасини қучишмоқда. Хусусан, ўтган ҳафтада бир йўла тўртта вилоят — Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва қашқадарёлик пахтакорлар зиммаларидаги мажбуриятни уддалаб, эл-юрт олдида юзларини ёруғ қилдилар. Айни чоғда ушбу вилоятлар пахтакорлари даладаги ҳосилни нестнобуд қилмасдан йиғиб олиш чора-тадбирларини кўришмоқда.

Юртимизда бунёдкорлик ишлари жадал амалга оширилаётган бир пайтда, Шимолий Кореяда ядро бомбасининг ер остида синовдан ўтказилганлиги ҳақидаги хабар республикамиз аҳлини хавотирга солди. Ушбу нохуш воқеага Ўзбекистон ўз муносабатини билдирди. Мамлакатимиз КҲДР томонидан амалга оширилган ядровий синовни қоралади ҳамда Корея яриморолида юзага келган вазиятни тартибга солишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашини ва уни фақатгина сиёсий-дипломатик йўл билан ҳал этиш мумкинлигига умид билдирди.

Шуни афсус билан таъкидлаш керакки, расмий Пхеньяннинг тўсатдан ядровий синовларни ўтказиши сўнгги бир неча йил давомида олти томонлама — Россия, Япония, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея ва Шимолий Корея ўртасида ўтказиб келинган босқичма-босқич музокаралар ҳеч қандай натижа бермаганлигини кўрсатди. Айни пайтда АҚШ томонидан ишлаб чиқилган Шимолий Кореяга нисбатан жазо санкцияларини қўллаш резолюцияси БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда. Мазкур лойиҳада Шимолий Кореяга иқтисодий жазо чоралари қўллаш билан биргаликда, куч ишлатишга рухсат бериш ҳам ўрин эгаллаган. Ушбу бандга Россия ва Хитой қаршилик билдирмоқда. Бу икки давлат расмийлари иқтисодий санкция қўллашнинг ўзи ҳам Пхеньянга кифоя қилади, деган фикрда.

Шарҳимиз бошида биз Андижонда бўлиб ўтган сессия ҳақида гапиргандик. Уни шу йиғилишда Президентимиз таъкидлаган бир гап билан якунламоқчимиз: «Мана шундай тинч-осуда ва мазмунли ҳаётимизнинг қадрига етиш, мамлакатимизни ҳар томонлама равнақ топтириш учун, фарзандларимизнинг бахтли келажаги учун белимизни маҳкам боғлаб меҳнат қилиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир».

Юнус БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Талабалар учун янги имконият



Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаларининг пухта билим олишлари учун яна бир қулайлик яратилди. Олий ўқув юртининг ахборот технологиялари маркази интернет тизимида ўз сайтини очди.

Энди талабалар ўз уйларида ёки ётоқхонада туриб институтнинг электрон кутубхонасидан фойдаланишлари мумкин. Сайтда Президент асарлари, барча мутахассисликлар бўйича ўқув дастурлари, дарсликлар, маъруза матнлари, монографиялар, лаборатория ишлари ва мустақил таълим учун услубий қўлланмалар, оралиқ назорат ва тест саволларининг электрон талқини, Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган материаллар бор.

Ҳозирча уларнинг умумий сони 700 тани ташкил этмоқда. Сайт мунтазам равишда бойитиб борилаяпти. Масофадан туриб ўқитиш бўйича чет эллардаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик юзасидан тўпланган тажриба бу соҳада қўл келмоқда.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бугун Тошкентда II Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси очилади

Дунёда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлардан хабардор бўлиш мақсадида «ойнаи жаҳон» орқали бериладиган ахборот дастурларини, халқаро интернет тармоғини диққат билан кузатамиз. Эътибор қилган бўлсангиз, иқтисодиёт соҳасига оид янгиликларда халқаро биржа савдоларидаги олди-сотди муносабатларига алоҳида тўхталиб ўтилади.

Тола савдоси:
ЭРКИН РАҚОБАТ АСОСИДА

Гап шундаки, бошқаларидан фарқли ўлароқ, бу бозордаги ҳар бир ўзгариш жаҳон иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Мисол учун, олтин, нефть, пахта, ипак, темир ва бошқа маҳсулотларнинг харид нархлари ҳамиша жаҳон трейдерларининг диққат марказида туради.

Кейинги пайтларда миллий телерадиоканалларимизда ҳам худди шундай маълумотларни бериб бориш яхши йўлга қўйилди. Хусусан, "UzEX хабарлари" орқали биз биржа савдоларига қўйилган маҳсулотларнинг нархларидан узлуксиз хабардор бўлиб турибмиз. Интернетдан ҳам бу борадаги маълумотларни бемалол олиш имконияти яратилди. Бу мамлакатимизда биржалар фаолияти ва савдоси янгича усулда ишлай бошлаганидан дарак беради, албатта.

Аслида Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржасининг фаолият кўрсата бошлаганига ўн икки йилдан ошди. Мана, шу ўтган давр мобайнида истеъмолчиларни биржа орқали маҳсулотлар билан таъминлаш тизимида ижобий натижалар қўлга киритилди. Бу ерда уч йўналиш бўйича савдо майдонлари ташкил этилган бўлиб, улар ҳар бири маълум бир ихтисосликни амалга оширади. Жумладан, биринчи йўналиш — бу биржа савдолари майдони. У ички истеъмолчиларга юқори ликвидли маҳсулотларни харид қилиш ва сотиш учун хизмат кўрсатади. Иккинчиси — валюта савдо майдони. Бунда юқори ликвидли маҳсулотларни хорижга экспорт қилишда фойдаланилади. Учинчи — кўргазма-ярмарка савдо майдонида эса барча турдаги юқори ликвидли бўлмаган товар-хомашё ресурсларини ички ва ташқи истеъмолчилардан харид қилиш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш имконияти яратилган.

Маълумки, юртимизда иқтисодий ислоҳотлар босқичма-босқич тамойилига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Мана шу жараёнда энг муҳим босқичлардан бири — бу хўжалик субъектларини етарли даражада юқори ликвидли товар-хомашё ресурслари билан таъминлаш тизимининг ўзгартирилиши бўлди. Чунки аввалари ички бозорда юқори талабга эга бўлган бундай маҳсулотларни лимит, аникроғи, фонд орқали тақсимлаш тизими йўлга қўйилганди. Вақт ўтиши билан бу тизим эскириб, бугунги кун талабларига жавоб бермай қўйди. Шуни инобатга олган ҳолда, ҳукуматимиз томонидан 2004 йил 4 февралда "Маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга кўра, хўжалик субъектлари, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари юқори ликвидли товар-хомашё ресурсларини Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржасининг рақобатли савдоларида бир вақтнинг ўзида эркин харид қилиш имкониятига эга бўлишди.

Биржа фаолияти жадаллашиб бораётганини эса ундаги товар айланмасининг йилдан-йилга ўсиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Масалан, агар 2004 йили ЎзРТХБ нинг товар айланмаси 450,1 млрд. сўм, ўтган йили 862,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, у 1 триллион сўмга етди. Албатта, бу савдо иштирокчиларининг миллий маҳсулотларимизни ички ва ташқи бозорга сотишда биржа механизмидан фойдаланиш афзаллигини янада чуқурроқ сезаётганликларидан далолат беради.

— Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда амалдаги биржа механизми мамлакатимиз иқтисодиёти тарихида илгари сира кузатилмаган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржаси раисининг ўринбосари Эркин Ўринов. — Эндиликда товар-хомашё ресурсларини биржа орқали сотишнинг қанчалик фойдали эканлиги унинг иштирокчилари томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Чунки савдоларни амалга ошириш жараёни мукаммал механизмга асосланади. Хусусан, корхона ишлаб чиқаришининг ҳажми, унга тегишли бўлган тармоқ ва фаолият тури, ҳудудий жойлашувидан қатъи назар, биржа ҳамда кўргазма-ярмарка савдоларида иштирокчилар тенг ҳуқуқлидир. Шунингдек, савдо операцияларининг бир вақтнинг ўзида бажарилиши, тезкорлиги, битимларни имзолаш жараёнида талаб қилинадиган паст операцион ҳаражатлар (транзакциялар), бозорда мавжуд бўлган юқори ликвидлилик, савдоларда иштирок этувчи харидорлар сонининг кўплиги (200 мингдан ортиқ) туфайли жиддий рақобатнинг шакллангани ҳам уларнинг қизиқишини оширмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 январдаги "Ўзаукционсавдо" корхонасининг тугатилиши тўғрисида»ги Қарорига асосан, Ўзбекистон Товар-хомашё биржасида валюта савдо майдончаси ташкил этилди. Эътиборли томони шундаки, ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб биржанинг ушбу майдончаси орқали хорижий сармоядорларга пахта толаси сотила бошланди. Савдолар барча харидорлар учун бир вақтнинг ўзида электрон тизимда олиб борилмоқда. Биржада тузилган шартномалар шартининг ижро этилишига эса тўлиқ кафолат берилади. Яъни, ҳужжат бўйича ҳисоб-китоб ишлари Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси орқали амалга оширилади. Харидор биржада сотиб олган маҳсулотини тўлиқ олиб чиқиб кетгандан кейингина унга тўланиши лозим бўлган маблағ сотувчининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида республика Товар-хомашё биржаси орқали ички ва ташқи бозорга жами 163,8 миллард сўм қийматидаги 152,47 минг тонна пахта толаси сотилди. Бу 2005 йилнинг худди шу давридагига нисбатан 8,57 минг тонна кўпдир.

Хабарингиз бор, Президентимиз ташаббуслари билан ўтган йил 10-11 октябрь кунлари Тошкентда биринчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўтказилди. Мазкур нуфузли тадбирда ЎзРТХБ ҳам фаол иштирок этди. Хусусан, ярмарканинг иккинчи иш куни 200 дан ортиқ хорижий трейдер компаниялари, тўқимачилик корхоналари, элчихоналар ва савдо ваколатхоналари вакиллари биржанинг янги биносига ташриф буюришди. Меҳмонларга биржанинг функционал биржа савдо тизими намойиш этилиб, пахта толаси бўйича бўлиб ўтган савдолар асосида бир нечта экспорт шартномалари имзоланди. Ярмарка иштирокчилари орасида пахта бўйича Халқаро консультатив қўмитасининг раиси, жаноб Реем Батлер бошчилигидаги делегация ва "Коттон Аутлук" журнали бош муҳаррири Галиша Фишер ҳам бор эди. Улар биржа савдолари ўтказилишининг технологик жараёнини, шу жумладан, пахта толасининг экспорт савдоларини юқори баҳоладилар.

Республика Товар-хомашё биржаси бугун пойтахтда очиладиган иккинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасига ҳам катта тайёргарлик кўрди. Чунончи, нуфузли тадбир олдидан пахта толасининг биржа орқали эркин айирбошловчи валютага сотилиш тартиби бўйича йирик хорижий трейдер компаниялар, тўқимачилик корхоналари, элчихоналар ва савдо ваколатхоналари вакилларига таклифлар жўнатилди. Шу билан бирга, биржанинг интернетдаги сайтида пахта толасининг олди-сотдиси билан боғлиқ энг сўнгги хабарлар мунтазам равишда бериб борилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида ҳозиргача кўплаб таклиф ва истаклар билдирилди.

ЎзРТХБ келгусида биржа савдоларини ривожлантириш мақсадида техник база ва технологияларни такомиллаштириш, савдо инфратузилмасини янада кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, брокер ҳамда трейдерларнинг малакасини ошириш, фьючерс ва форвард бозорларини ташкил этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқчи.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

54-модда. Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори у бекор қилинган пайтга келиб ижро этилган бўлса, ҳакамлик судининг бекор қилинган ҳал қилув қарорига мувофиқ жавобгардан даъвогарнинг фойдасига ундирилган нарсаларнинг ҳаммаси жавобгарга қайтариб берилади.

9-боб. Якуниловчи қоидалар

55-модда. Низоларнинг ҳал этилиши

Ҳакамлик судларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

56-модда. Ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

57-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1963 йил 23 мартда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Гражданлик процессуал кодексининг 3-сонли иловасини ўз кучини йўқотган деб топиш

Ўзбекистон Республикасининг 1963 йил 23 мартда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Гражданлик процессуал кодексининг 3-сонли иловаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1963 йил, № 9, 31-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

58-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин.

59-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун 2007 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 16 октябрь
№ ЎРҚ — 64

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ҳакамлик судлари тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2006 йил

Қирқиш чизиғи

манинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ушбу шартнинг қонунга биноан ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келмайди.

Низо ҳакамлик суди томонидан мазмунан кўриб чиқилгунига қадар ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судида ўз ҳал қилувига топширилган низони кўриб чиқишга ваколат йўқлиги ҳақида арз қилишга ҳақли.

Агар кўриб чиқилиши ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёхуд қонунга ёки доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларига мувофиқ ҳакамлик муҳокамаси предмети бўла олмайдиган масала ҳакамлик муҳокамаси давомида ҳакамлик муҳокамаси предметига айланса, ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик суди ўз ваколатидан четга чиққанлиги ҳақида арз қилишга ҳақли.

Ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафининг ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ берилган аризасини кўриб чиқиши шарт. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Агар ҳакамлик суди ўз ваколати ҳақидаги масалани кўриб чиқаётганда низони кўриб чиқишга ҳакамлик судида ваколат йўқлиги тўғрисида ажрим чиқарса, ҳакамлик суди низони мазмунан кўриб чиқиши мумкин эмас.

25-модда. Ҳакамлик муҳокамаси қоидаларини белгилаш

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик муҳокамасининг бошқа қоидалари қўлланилиши тўғрисида шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик муҳокамасини доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларига мувофиқ амалга оширади.

Муваққат ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамасини ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан келишилган қоидаларга мувофиқ амалга оширади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан келишилган ҳакамлик муҳокамаси қоидалари ушбу Қонун қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Ҳакамлик муҳокамасининг ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан келишилмаган, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидалари ва ушбу Қонун билан белгиланмаган қисмида ҳакамлик муҳокамаси қоидалари ҳакамлик суди томонидан белгиланади.

26-модда. Ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Муваққат ҳакамлик судида ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг келишуви билан белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой низо ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ҳакамлик судининг ўзи томонидан белгиланади.

Буклаш чизиғи

27-модда. Ҳакамлик муҳокамасининг тили

Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик муҳокамаси давлат тилида олиб борилади.

Ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан ҳужжатлар ва бошқа материаллар ҳакамлик муҳокамаси тилига таржима қилинишини талаб этиши мумкин.

Ҳакамлик муҳокамаси тилида бўлмаган ҳужжатлар ва бошқа материалларни тақдим қилаётган ҳакамлик муҳокамаси тарафи уларнинг таржима қилинишини таъминлаши керак.

28-модда. Ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги

Ҳакамлик судьяси ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас.

Ҳакамлик судьяси ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзига маълум бўлиб қолган маълумотлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас.

29-модда. Даъво аризаси

Даъвогар ўз талабларини ҳакамлик судига ёзма шаклда бериладиган даъво аризасида баён этади. Даъво аризасининг нусхаси жавобгарга юборилади.

Даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

даъво аризасининг санаси;

ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бўлган юридик шахсларнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили), жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи;

даъвогарнинг талаблари;

даъвогарнинг талабларига асос бўлган ҳолатлар;

даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;

даъвонинг баҳоси;

даъво аризасига илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Даъво аризаси даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланган бўлиши керак. Агар даъво аризаси даъвогарнинг вакили томонидан имзоланган бўлса, даъво аризасига ишончнома ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

30-модда. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр

Жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини ўз

Қирқиш чизиғи

8-боб. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ижро этиш

49-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори мазкур ҳал қилув қарорида белгиланган тартибда ва муддатларда ихтиёрий ижро этилади.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ижро этиш муддати белгиланмаган бўлса, у дарҳол ижро этилиши керак.

50-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида белгиланган муддатда ихтиёрий ижро этилмаган бўлса, у мажбурий ижро этилиши керак. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ваколатли суд берган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

51-модда. Ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза

Ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тараф томонидан ваколатли судга берилади.

Ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик судининг раиси томонидан тасдиқланади, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судьясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланиши керак;

ушбу Қонуннинг 12 ва 13-моддалари қоидаларига мувофиқ тузилган ҳакамлик битими нусхаси;

белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини, шунингдек ариза нусхаси ҳакамлик муҳокамасининг бошқа иштирокчиларига топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Мазкур муддат ваколатли суд томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Белгиланган муддат ўтказиб юборилган ёки зарур

Буклаш чизиғи

дининг низоми ва регламенти;

доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг низоми – ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс томонидан тасдиқланадиган локал ҳужжат бўлиб, у доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳуқуқий мақомини, ташкил этилишини, фаолиятини тартибга солади, шунингдек унинг мазкур ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс ҳамда бошқа юридик шахслар билан ўзаро муносабатларини белгилайди;

доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг регламенти – ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс томонидан тасдиқланадиган, ҳакамлик муҳокамаси қоидаларини қамраб олган локал ҳужжат;

ҳакамлик битими – тарафларнинг низони ҳакамлик судига ҳал қилиш учун топшириш ҳақидаги келишуви;

ҳакамлик битими тарафлари – ҳакамлик битими тузган юридик ва жисмоний шахслар;

ҳакамлик муҳокамаси – низони ҳакамлик судида ҳал этиш жараёни;

ҳакамлик муҳокамаси тарафлари – ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳакамлик судига даъво тақдим этган юридик ва жисмоний шахслар (даъвогарлар), шунингдек ўзига нисбатан даъво тақдим этилган шахслар (жавобгарлар);

ҳакамлик муҳокамаси қоидалари – ҳакамлик судида низони ҳал этишни тартибга солувчи, ҳакамлик судига мурожаат қилиш, ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) қоидаларини ва ҳакамлик муҳокамаси тартиб-таомилини ўз ичига олувчи нормалар;

ҳакамлик суди *(доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ёки муваққат ҳакамлик суди)* – фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этувчи нодавлат орган;

ҳакамлик судьяси – ҳакамлик судида низони ҳал этиш учун ҳакамлик битими тарафлари томонидан сайланган ёки белгиланган тартибда тайинланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

4-модда. Ҳакамлик судлари фаолиятининг асосий принциплари

Ҳакамлик судларининг фаолияти қонунийлик, мустақиллик, ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги, ҳакамлик судьяларининг холислиги, диспозитивлик, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади.

5-модда. Ҳакамлик судларини ташкил этиш

Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судлари ташкил этилиши мумкин.

Қирқиш чизиғи

нилган қоидаларга мувофиқ сайланади (тайинланади).

4-боб. Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар

20-модда. Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар таркиби

Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

ҳакамлик судьяларининг гонорари;

ҳакамлик муҳокамасини ташкилий, моддий жиҳатдан ва бошқача тарзда таъминлаш харажатлари;

ҳакамлик судьяларининг ҳакамлик муҳокамасида иштирок этиши билан боғлиқ харажатлари, шу жумладан низони кўриб чиқиш жойига бориб келиш учун тўланадиган йўл ҳақи харажатлари;

ҳакамлик судьяларининг ёзма ва ашёвий далилларни мазкур далиллар турган жойда кўздан кечириш ҳамда текшириш билан боғлиқ харажатлари;

экспертлар ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

гувоҳлар томонидан сарфланган харажатлар;

ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлардан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тараф вакилининг хизматлари ҳақини тўлаш харажатлари;

ҳакамлик суди томонидан белгиланадиган бошқа харажатлар.

Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган харажатларни қилиши ҳакамлик муҳокамаси қоидаларида белгиланмаган бўлса, бундай харажатлар ҳакамлик суди харажатлари таркибига киритилади.

21-модда. Ҳакамлик судьялари гонорарининг миқдори

Ҳакамлик судьялари гонорарининг миқдори даъвонинг баҳоси, низонинг мураккаблиги, ҳакамлик судьялари ҳакамлик муҳокамаси учун сарфлаган вақт ва гонорар миқдорига таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида ҳакамлик судьялари гонорарининг миқдори ҳакамлик суди таркиби томонидан ҳакамлик судьяларининг доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларида назарда тутилган ҳакамлик судьялари гонорарлари шкаласига мувофиқ, бундай шкала бўлмаган тақдирда эса, ушбу модданинг биринчи қисми талаблари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Муваққат ҳакамлик судида ҳакамлик судьялари гонорарининг миқдори ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ке-

Буклаш чизиғи

зарарнинг ўрнини қоплашни таъминлаб берилишини талаб қилиши мумкин.

Ҳакамлик судида кўриб чиқилаётган даъвони таъминлаш ҳақидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафи томонидан ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёхуд жавобгар жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёинки жавобгарнинг мол-мулки турган жойдаги ваколатли судга берилади.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризага даъвонинг ҳакамлик судига тақдим этилганлигини исботловчи далиллар, ҳакамлик судининг даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги ажрими илова қилинади.

Ҳакамлик судида кўриб чиқилаётган даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани ваколатли суд томонидан кўриб чиқиш ҳамда даъвони таъминлаш ёхуд уни таъминлашни рад этиш ҳақида ажрим чиқариш Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳакамлик судининг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори даъвони таъминлаш чоралари ваколатли суд томонидан бекор қилиниши учун асос бўлади.

33-модда. Далилларни тақдим этиш

Ҳакамлик муҳокамасининг ҳар бир тарафи ўз даъво талаблари ва даъвога қарши эътирозларининг асоси сифатида кўрсатаётган ҳолатларни исботлаб бериши керак. Ҳакамлик суди, агар у тақдим этилган далилларни етарли эмас деб топса, ҳакамлик муҳокамаси тарафларига қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилишга ҳақли.

34-модда. Ҳужжатларни ва бошқа материалларни юбориш

Ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан бири ҳакамлик судига тақдим этадиган барча ҳужжатларнинг ва бошқа материалларнинг нусхалари, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик суди томонидан ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафига топширилиши керак. Ҳакамлик суди ўз ҳал қилув қарори учун асос қилиб оладиган эксперт хулосалари ҳакамлик суди томонидан ҳакамлик муҳокамаси тарафларига топширилиши керак.

Ҳужжатлар ва бошқа материаллар, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, уларнинг ўзлари кўрсатган, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бўлган юридик шахснинг охирги маълум бўлган жойлашган ери (почта манзили) ёки жисмоний шахснинг охирги маълум бўлган яшаш жойи бўйича топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан ёхуд кўрса-

Қирқиш чизиғи

ёки ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса.

Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган асос бўйича тугатилган ҳакамлик муҳокамасига доир низо тугатилган ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан бири томонидан ваколатли судга топширилиши мумкин.

45-модда. Низоларга доир ишларнинг сақланиши

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида кўрилган ишлар, агар доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларида узоқроқ муддат белгиланмаган бўлса, мазкур ҳакамлик судида уч йил мобайнида сақланади.

Муваққат ҳакамлик суди томонидан кўрилган иш ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин бир ой муддат ичида ваколатли судга сақлаш учун юборилади.

7-боб. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш

46-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан ваколатли судда низолашиш

Ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ваколатли судга ушбу ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраб ариза бериш йўли билан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берилганлиги низо бўйича иш юритиш ваколатли суд томонидан тугаллангунига қадар ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ижроси бўйича иш юритишни тўхтатиб туради.

47-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари

Ваколатли суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори, агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраб ариза берган ҳакамлик муҳокамаси тарафи қуйидаги ҳолатларни исботловчи далилларни тақдим этса, ваколатли суд томонидан бекор қилиниши керак:

ҳакамлик битимининг қонунларда назарда тутилган асослар бўйича ҳақиқий эмаслигини;

ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри

Буклаш чизиғи

кил этиш ва фаолиятини тугатиш, муваққат ҳакамлик судларини ташкил этиш тўғрисидаги, шунингдек доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари таркибига кирувчи ҳакамлик судьялари ҳақидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тизимлаштирилади ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами"да эълон қилинади.

Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Низом билан белгиланади.

2-боб. Ҳакамлик судлари томонидан ҳал этиладиган низолар. Ҳакамлик битими

9-модда. Ҳакамлик судлари томонидан ҳал этиладиган низолар

Ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади.

Ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди.

10-модда. Низолар ҳал этилаётганда ва ҳал қилув қарорлари қабул қилинаётганда ҳакамлик суди томонидан қўлланиладиган нормалар

Ҳакамлик суди низоларни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилади.

Ҳакамлик суди шартнома шартларига мувофиқ ва иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Агар ҳакамлик битими тарафларининг муносабатлари қонун ҳужжатлари ёки ҳакамлик битими тарафларининг келишуви билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган бўлса ва бу муносабатларга нисбатан қўлланиладиган иш муомаласи одати мавжуд бўлмаса, ҳакамлик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини қўллайди (қонун ўхшашлиги), мазкур ҳолларда қонун ўхшашлигидан фойдаланиш имконияти бўлмаган тақдирда эса ҳакамлик битими тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларининг мазмунидан (ҳуқуқ ўхшашлиги) ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

11-модда. Низони ҳакамлик судининг ҳал қилувига топшириш

Қирқиш чизиғи

ҳақидаги илтимосини олган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида ҳакамлик судьясини (ҳакамлик судьяларини) сайламаса ёки ҳакамлик битимининг тарафлари ҳакамлик судьясини танлаш тўғрисида келиша олмасалар (низо ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилаётганда) ёхуд агар ҳакамлик судьялари раислик қилувчи ҳакамлик судьясини тайинлаш тўғрисида ўзлари сайланган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида келиша олмасалар, низо ҳал қилиш учун ваколатли судга топширилади. Бунда ҳакамлик битимининг амал қилиши тугатилади.

Ҳакамлик судьяларининг сони тоқ бўлиши керак.

Ҳакамлик битими тарафлари ушбу модданинг қоидаларига риоя этган ҳолда ҳакамлик судьяларининг сонини ўз хоҳишларига кўра белгилашлари, ҳакамлик суди таркибини шакллантириш тартибини келишиб олишлари мумкин. Агар ҳакамлик битими тарафлари ҳакамлик судьяларининг сонини белгиламаса, ҳакамлик судининг таркиби уч нафар ҳакамлик судьясидан шакллантирилади.

Ҳакамлик муҳокамаси ҳакамлик судининг ҳайъат таркиби томонидан ўтказилаётганда ҳакамлик битимининг ҳар бир тарафи ҳакамлик судьяларини тенг миқдорда сайлайди ва шундай тарзда сайланган ҳакамлик судьялари бошқа ҳакамлик судьясини – раислик қилувчини тайинлайди.

16-модда. Ҳакамлик судьясини рад қилиш

Ушбу Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган ҳолларда, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик судьясини рад қилиш ҳақида арз қилишлари мумкин.

Ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкинлиги муносабати билан мурожаат этилган шахс ҳакамлик битими тарафларига ўзининг рад қилиниши учун асос бўлувчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақида маълум қилиши керак. Агар кўрсатилган ҳолатлар ҳакамлик муҳокамаси вақтида юзага келган бўлса, ҳакамлик судьяси бу ҳақда дарҳол ҳакамлик муҳокамаси тарафларига маълум қилиши ва ўзини ўзи рад қилиш ҳақида ариза бериши керак.

Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари сайланган (тайинланган) ҳакамлик судьясининг рад қилиниши учун асос бўлувчи ҳолатлар рад қилинаётган ҳакамлик судьяси сайланганидан (тайинланганидан) кейин ўзларига маълум бўлиб қолган тақдирдагина уни рад қилиш ҳақида арз қилишлари мумкин.

17-модда. Ҳакамлик судьясини рад қилиш тартиби

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида ҳакам-

Буклаш чизиғи

6-боб. Ҳакамлик судининг ҳужжатлари

38-модда. Ҳакамлик суди томонидан ҳал қилув қарорининг қабул қилиниши

Ҳакамлик суди низо ҳолатлари текширилганидан сўнг ҳакамлик суди таркибига кирувчи ҳакамлик судьяларининг кўпчилик овози билан ҳал қилув қарори қабул қилади.

Ҳал қилув қарори ҳакамлик судининг мажлисида эълон қилинади. Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат хулоса қисмини эълон қилишга ҳақли. Бундай ҳолда асослантирилган ҳал қилув қарори ҳал қилув қарорининг хулоса қисми эълон қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ҳакамлик муҳокамаси тарафларига юборилиши керак. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.

Ҳакамлик суди, агар зарур деб топса, ҳал қилув қарори қабул қилишни кечиктиришга ҳамда ҳакамлик муҳокамасини қайтадан бошлашга ҳақли бўлиб, ушбу Қонуннинг 34-моддасида ва 35-моддасининг учинчи қисмида белгиланган тартибда ҳакамлик муҳокамаси тарафларига бу ҳақда хабар берилади.

Агар келишув битими қонун ҳужжатларига зид бўлмаса ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаса, ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг илтимосномасига биноан келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади. Келишув битимининг мазмуни ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида баён қилинади.

39-модда. Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг шакли ва мазмуни

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ёзма шаклда баён этилади ва ҳакамлик суди таркибига кирувчи ҳакамлик судьялари томонидан, шу жумладан алоҳида фикрга эга бўлган ҳакамлик судьяси томонидан имзоланади. Ҳакамлик судьясининг алоҳида фикри ҳакамлик суди ҳал қилув қарорига илова қилинади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;

ҳакамлик муҳокамаси ўтказилган жой;

ҳакамлик судининг таркиби;

ҳакамлик муҳокамасининг тарафлари бўлган юридик шахсларнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили), жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари вакилларининг ваколатлари кўрсатилган ҳолда фамилияси, исми, отасининг исми;

ҳакамлик суди ваколатларининг асослари;

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ҳакамлик судлари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 8 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида ҳакамлик судларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ваколатли суд – Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган судловга тегишлиликка мувофиқ хўжалик суди ёки фуқаролик ишлари бўйича суд;

доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидалари – доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди

эътирозларини баён этган ҳолда даъвогарга ва ҳакамлик судига тақдим этишга ҳақли. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр ҳакамлик муҳокамаси қоидаларида назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда даъвогарга ва ҳакамлик судига тақдим этилади.

Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр жавобгар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Жавобгарнинг вакили томонидан имзоланган ёзма фикрга ишончнома ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилинади.

Агар ҳакамлик муҳокамаси қоидаларида даъво аризаси юзасидан ёзма фикрни тақдим этиш муддати белгиланмаган бўлса, мазкур ёзма фикр ҳакамлик судининг мажлиси бошлангунга қадар тақдим этилади.

Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик муҳокамаси давомида ўз даъво талабларини ёки даъвога қарши эътирозларини ўзгартиришга ҳақлидир.

31-модда. Қарши даъво

Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик суди низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилгунига қадар жавобгар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиш учун даъвогарга қарши даъво тақдим этишга ҳақлидир.

Қарши даъво ва унга эътирозлар тақдим этиш ушбу Қонуннинг 29 ва 30-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Қарши даъво қуйидаги ҳолларда дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқилиши мумкин:

1) қарши даъво дастлабки даъвони ҳисобга олишга қаратилган бўлса;

2) қарши даъвонинг қаноатлантирилиши дастлабки даъвони қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмайдиган қилиб қўйса;

3) қарши даъво билан дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, уларни биргаликда кўриб чиқиш низони тезроқ ва тўғрироқ ҳал қилишга олиб келса.

32-модда. Даъвони таъминлаш чораларини кўриш

Агар даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ижросини қийинлаштириши ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, даъвони таъминлашга йўл қўйилади.

Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан бирининг илтимосига кўра даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин. Ҳакамлик суди тегишли илтимоснома билан арз қилаётган ҳакамлик муҳокамаси тарафидан ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафига етказилиши мумкин бўлган

лишуви бўйича ва ушбу модданинг биринчи қисми қоидалари ҳисобга олинган ҳолда ҳакамлик суди томонидан белгиланади.

Ҳакамлик судьясининг гонорарига қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солинади.

22-модда. Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатларни тақсимлаш

Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ўртасида тақсимлаш ҳакамлик суди томонидан ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг келишувига мувофиқ, бундай келишув бўлмаган тақдирда эса, қаноатлантирилган ва рад этилган талабларга мутаносиб равишда амалга оширилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тарафнинг вакили хизматларига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар, шунингдек низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ бошқа харажатлар, агар қилинган харажатларни қоплаш ҳақидаги талаб ҳакамлик муҳокамаси пайтида билдирилган ва ҳакамлик суди томонидан қаноатлантирилган бўлса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорига мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафига юкланиши мумкин.

Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатларнинг тақсимланиши ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ёки ажримида кўрсатилади.

23-модда. Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатларни бўнак тарзида қоплаш

Ҳакамлик суди низо кўриб чиқилгунига қадар ушбу Қонуннинг 20-моддасида кўрсатилган харажатларни қоплаш учун муайян суммани бўнак сифатида киритишни даъвогардан талаб қилишга ҳақли. Агар бу тўлов даъво аризаси берилган кундан эътиборан ўн кун ичида амалга оширилмаса, ҳакамлик суди даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

5-боб. Ҳакамлик муҳокамаси

24-модда. Ҳакамлик судининг ваколати

Ҳакамлик суди ўз ҳал қилувига топширилган низони, шу жумладан ҳакамлик битими йўқлиги ёки ҳақиқий эмаслиги сабабли ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан бири ҳакамлик муҳокамасига қарши эътироз билдирган ҳолларда низони кўриб чиқишга ваколати борлиги ёхуд йўқлиги ҳақидаги масалани мустақил равишда ҳал этади. Шу мақсадда шартнома шарти тарзида расмийлаштирилган ҳакамлик битими шартноманинг бошқа шартларига боғлиқ бўлмаган битим сифатида кўриб чиқилиши керак. Ҳакамлик судининг шартни қамраб олган шартно-

ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолда топширилган ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ваколатли суд томонидан кўриб чиқилмасдан қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади, мазкур ажрим устидан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

52-модда. Ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби

Ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани ваколатли суд судьяси якка тартибда, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда кўриб чиқади. Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари мазкур аризани кўриб чиқиш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинади. Ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ёки улар вакилларининг ваколатли суд мажлисига келмаганлиги аризани кўриб чиқишга монелик қилмайди.

Ваколатли суд ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ижро варақаси бериш ҳақида ёки ижро варақаси беришни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ваколатли суднинг ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши лозим.

Ваколатли суднинг ижро варақаси бериш тўғрисидаги ёхуд ижро варақаси беришни рад этиш ҳақидаги ажрими устидан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

53-модда. Ижро варақаси беришни рад этиш асослари

Ваколатли суд ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Ваколатли суд ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисида ушбу Қонуннинг 47-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ажрим чиқаради.

Ваколатли суд ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарган тақдирда, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик битимига мувофиқ ҳакамлик судига ёхуд тааллуқлилик ва судловга тегишлилик қоидаларига риоя қилган ҳолда ваколатли судга янгитдан мурожаат этишга ҳақлидир, ушбу Қонун 48-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Қирқиш чизиғи

тилган ҳужжатлар ҳамда материаллар етказиб берилганлиги қайд этилишини назарда тутувчи бошқача усул орқали юборилади. Ҳужжатлар ва бошқа материаллар улар етказиб берилган кунда қабул қилиб олинган ҳисобланади.

35-модда. Ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳакамлик суди мажлисида иштирок этиши

Ҳакамлик муҳокамасининг ҳар бир тарафига ўз нуқтаи назарини баён этиши ҳамда ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши учун тенг имкониятлар берилиши керак.

Ҳакамлик муҳокамаси, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ёки уларнинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Ҳакамлик муҳокамаси тарафларига ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида олдиндан хабарнома юборилиши ёки топширилиши лозим. Мазкур хабарнома ҳакамлик суди томонидан ушбу Қонуннинг 34-моддасида назарда тутилган тартибда юборилади ва топширилади.

Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик суди низони ёпиқ мажлисда кўриб чиқади.

36-модда. Ҳакамлик суди мажлисининг баённомаси

Ҳакамлик судида, агар ҳакамлик битими тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, баённома юритилади.

37-модда. Ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳужжатлар ва бошқа материалларни тақдим этмаганлиги ёки ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳакамлик суди мажлисига келмаганлиги оқибатлари

Ҳужжатлар ва бошқа материалларни тақдим этмаганлик ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ҳамда жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ёхуд улар вакилларининг ҳакамлик суди мажлисига келмаганлиги, агар ҳужжатлар ва бошқа материаллар тақдим этилмаганлигининг ёки ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ёхуд улар вакилларининг ҳакамлик суди мажлисига келмаганлигининг сабаби ҳакамлик суди томонидан узрсиз деб топилса, ҳакамлик муҳокамасига ва ҳакамлик суди томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинишига монелик қилмайди.

Жавобгарнинг даъвога қарши эътирозлар тақдим этмаганлиги даъвогар талабларининг тан олиниши сифатида қаралмаслиги керак.

лик судьясини рад қилиш тартиб-таомили доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларида белгиланиши мумкин.

Муваққат ҳакамлик судида ҳакамлик судьясини рад қилиш тартиб-таомили ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан келишиб олиниши мумкин.

Агар ҳакамлик судьясини рад қилиш тартиб-таомили доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларида белгиланмаган бўлса ёки ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан келишиб олинмаган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судьясини рад қилиш ҳақидаги ёзма аризани рад қилиш сабабларини кўрсатган ҳолда ҳакамлик суди таркибига бериши керак.

Рад қилиниши талаб этилаётган ҳакамлик судьяси рад қилиш ҳақидаги масала кўриб чиқилгунига қадар ўз тушунтиришларини беришга ҳақли.

Агар рад қилиниши талаб этилаётган ҳакамлик судьяси ўзини ўзи рад қилмаса ёки ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафи ҳакамлик судьясини рад қилишга рози бўлмаса, ҳакамлик судьясини рад қилиш ҳақидаги масала ҳакамлик суди таркибига кирувчи бошқа ҳакамлик судьялари томонидан ҳал этилади. Рад қилишни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тенг бўлиб қолса, ҳакамлик судьяси рад қилинган ҳисобланади. Ҳакамлик судининг бутун таркибини рад қилиш ҳақидаги масалалар шу ҳакамлик суди таркиби томонидан оддий кўпчилик овоз билан, низони якка тартибда кўрадиган ҳакамлик судьясини рад қилиш тўғрисидаги масалалар эса шу ҳакамлик судьясининг ўзи томонидан ҳал этилади.

18-модда. Ҳакамлик судьясининг ваколатларини тугатиш

Ҳакамлик судьясининг ваколатлари ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг келишувига биноан, ушбу Қонуннинг 14, 16 ва 17-моддаларига мувофиқ ҳакамлик судьясининг ўзини ўзи рад қилиши ёки рад қилиниши муносабати билан, шунингдек ҳакамлик судьяси вафот этган тақдирда тугатилиши мумкин.

Ҳакамлик судьясининг ваколатлари муайян низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин тугатилади. Ушбу Қонуннинг 40, 41 ва 42-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ҳакамлик судьясининг ваколатлари тикланади, кўрсатилган моддаларда назарда тутилган ҳаракатлар амалга оширилганидан сўнг тугатилади.

19-модда. Ҳакамлик судьясини алмаштириш

Ҳакамлик судьясининг ваколатлари тугатилган тақдирда, бошқа ҳакамлик судьяси алмаштирилаётган ҳакамлик судьяси сайланаётганда (тайинланаётганда) қўлла-

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳакамлик судларини ташкил этиши ҳамда ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмас.

Ҳакамлик судлари юридик шахс бўлмайди.

6-модда. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди юридик шахс томонидан ташкил этилиши мумкин ва унинг ҳузурида фаолият кўрсатади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди юридик шахс доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганида, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларини ва ҳакамлик судьялари рўйхатини тасдиқлаганида ташкил этилган деб ҳисобланади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс унинг ташкил этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини ҳакамлик суди жойлашган ердаги адлия органига юборади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ўз номи ёзилган бланка ва юмалоқ муҳрга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китоб варақлари, валюта ҳисобварақларига ҳамда бошқа банк ҳисобварақларига эга бўлиши мумкин.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди фаолиятини тугатиш тартиби доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидалари билан белгиланади.

7-модда. Муваққат ҳакамлик суди

Муваққат ҳакамлик суди ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиққан муайян низони ҳал этиш учун улар томонидан ташкил этилиб, низо кўриб чиқилганидан кейин муваққат ҳакамлик суди ўз фаолиятини тугатади. Ҳакамлик судида раислик қилувчи (низо ҳайъатда кўриб чиқилаётганда) ёхуд ҳакамлик судьяси (низо якка тартибда кўриб чиқилаётганда) ҳакамлик битими нусхасини ва муваққат ҳакамлик суди ташкил этилганлиги тўғрисидаги хабарномани мазкур суд жойлашган ердаги адлия органига ҳакамлик муҳокамаси бошлангунига қадар юборади.

Муваққат ҳакамлик судини ташкил этиш тартиби ҳакамлик битими тарафлари томонидан ушбу Қонунга мувофиқ белгиланади.

8-модда. Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари тегишли ҳудудларда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказишни ва муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олишни амалга оширадилар.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларини таш-

келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини. Агар ҳакамлик судининг ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хулосаларини бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосаларидан ажратиб олиш мумкин бўлса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосалари бўлган қисми бекор қилиниши мумкин;

ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ушбу Қонун 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлигини;

ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамаси ушбу Қонуннинг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслигини;

ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик судининг мажлиси бўладиган вақт ва жой ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим этолмаганлигини.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунларга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ваколатли суд томонидан бекор қилиниши керак.

48-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш оқибатлари

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ваколатли суд томонидан бекор қилинган тақдирда, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик битимига мувофиқ ҳакамлик судига янгитдан мурожаат этишга ҳақли.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик битими ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёхуд ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги оқибатида ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича тўхтам мавжудлиги ёинки низо ҳакамлик муҳокамаси предмети бўлиши мумкин эмаслиги оқибатида тўлиқ ёки қисман бекор қилинган бўлса, мазкур низо бундан буён ҳакамлик судида кўриб чиқилиши мумкин эмас.

даъвогарнинг талаблари ва жавобгарнинг эътирозлари, шунингдек уларнинг илтимосномалари;

ҳакамлик суди томонидан аниқланган низо ҳолатлари, ҳакамлик судининг ушбу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар, ҳал қилув қарорини қабул қилишда ҳакамлик суди амал қилган нормалар.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида арз қилинган ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳакамлик судининг хулосалари бўлиши керак. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар суммаси, мазкур харажатларнинг ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ўртасида тақсимланиши, зарур ҳолларда эса, қабул қилинган ҳал қилув қарорини ижро этиш муддати ва тартиби кўрсатилади.

Ҳал қилув қарори қабул қилинганидан сўнг ўн кун ичида ҳакамлик муҳокамасининг ҳар бир тарафига ҳал қилув қарори топширилиши ёки юборилиши керак.

40-модда. Қўшимча ҳал қилув қарори

Тарафлардан бири ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олганидан сўнг, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик муҳокамаси давомида арз қилинган ва кўриб чиқилган, аммо қабул қилинган ҳал қилув қарорида ўз аксини топмаган даъво талаблари бўйича қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш тўғрисидаги ариза билан ўн кун ичида айнан ўша ҳакамлик судига бу ҳақда бошқа тарафни хабардор қилган ҳолда мурожаат этиши мумкин. Низони ҳал қилган ҳакамлик суди таркиби мазкур ариза олинган кундан эътиборан ўн кун ичида уни кўриб чиқиши керак.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ушбу Қонуннинг 34-моддаси ва 35-моддасининг учинчи қисми қоидаларига риоя этилган ҳолда ҳакамлик суди мажлисида амалга оширилади.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг таркибий қисми бўлган қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилинади ёки қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ажрим чиқарилади.

41-модда. Ҳал қилув қарорини тушунтириш

Ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олганидан сўнг ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги ариза билан ўн кун ичида айнан ўша ҳакамлик судига бу ҳақда ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафини хабардор қилган ҳолда мурожаат этишга ҳақли. Низони ҳал қилган ҳакамлик суди таркиби ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги ариза олинган кундан эътиборан ўн кун ичида уни

Низони якка тартибда ҳал қилувчи ҳакамлик судьяси олий юридик маълумотга эга бўлиши керак. Низо ҳайъатда ҳал қилинаётганда ҳакамлик суди таркибининг раиси олий юридик маълумотга эга бўлиши керак.

Ҳакамлик судьясининг малакасига қўйиладиган талаблар ҳакамлик битими тарафлари ўртасида бевосита келишиб олиниши ёки доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидалари билан белгиланиши мумкин.

Қуйидагилар ҳакамлик судьяси бўлиши мумкин эмас:

муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс;

содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун судья, адвокат, нотариус, терговчи, прокурор ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати қонунда белгиланган тартибда тугатилган шахс;

қонунда белгиланган мансаб мақомига мувофиқ ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин бўлмаган шахс.

15-модда. Ҳакамлик судининг таркибини шакллантириш

Ҳакамлик судининг таркибини шакллантириш ҳакамлик судьяларини (ҳакамлик судьясини) сайлаш (тайинлаш) орқали амалга оширилади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида ҳакамлик судьялари мазкур ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс томонидан тасдиқланган ҳакамлик судьялари рўйхатига киритилган судьялар орасидан сайланади (тайинланади). Агар ҳакамлик битими тарафи ҳакамлик битими бошқа тарафининг ҳакамлик судьясини (ҳакамлик судьяларини) сайлаш ҳақидаги илтимосини олган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида ҳакамлик судьясини (ҳакамлик судьяларини) сайламаса ёки ҳакамлик битимининг тарафлари ҳакамлик судьясини танлаш тўғрисида келиша олмасалар (низо ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилаётганда) ёхуд агар ҳакамлик судьялари раислик қилувчи ҳакамлик судьясини тайинлаш тўғрисида ўзлари сайланган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида келиша олмасалар, уларни тайинлаш доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг раиси томонидан ҳакамлик битими тарафларидан бирининг илтимосига биноан ўн кун муддатда амалга оширилади.

Муваққат ҳакамлик судида ҳакамлик судьялари ҳакамлик битими тарафлари томонидан сайланади. Агар ҳакамлик битими тарафи ҳакамлик битими бошқа тарафининг ҳакамлик судьясини (ҳакамлик судьяларини) сайлаш

Ҳакамлик битими мавжуд бўлган тақдирда, низо ҳакамлик судининг ҳал қилувига топширилиши мумкин.

Ваколатли суднинг ҳал қилувида бўлган низога оид ҳакамлик битими ваколатли суд низо юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилгунига қадар тузилиши мумкин.

12-модда. Ҳакамлик битимининг шакли

Ҳакамлик битими ёзма шаклда тузилади. Ҳакамлик битими шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шарти ёки алоҳида битим тарзида расмийлаштирилиши мумкин.

Ҳакамлик битими, агар у ҳакамлик битими тарафлари томонидан имзоланган ҳужжатда ифодаланган бўлса ёки бундай битимни қайд этишни таъминловчи электрон ёхуд бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда хатлар ёки хабарлар алмашиш йўли билан тузилган бўлса, ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган тақдирда, ҳакамлик битими ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

13-модда. Ҳакамлик битимининг мазмуни

Ҳакамлик битимида ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёхуд айрим низолар ҳакамлик судида кўриб чиқилиши кераклиги ҳақидаги қоида, шунингдек агар низо доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳал қилувига топшириладиган бўлса, мазкур ҳакамлик судининг номи кўрсатилиши лозим.

Ҳакамлик битимида ҳакамлик судьяларининг сони, ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой ва тил, ҳакамлик муҳокамасининг қўлланиладиган қоидалари, низони кўриб чиқиш муддати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларга риоя қилинмаган тақдирда, ҳакамлик битими ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

3-боб. Ҳакамлик судьялари. Ҳакамлик судининг таркиби

14-модда. Ҳакамлик судьясига қўйиладиган талаблар

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, низонинг холис ҳал қилинишини таъминлашга қодир бўлган, низонинг пировард натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаган, ҳакамлик битими тарафларидан мустақил бўлган ва ҳакамлик судьяси мажбуриятларини бажаришга розилик берган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин.

кўриб чиқиши керак.

Ҳакамлик суди ўзи қабул қилган ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтириб беришга ҳақли. Тегишли аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг таркибий қисми бўлган ҳал қилув қарорини тушунтириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

42-модда. Ёзувдаги хатоларни ва арифметик хатоларни тузатиш

Низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилган ҳакамлик суди ёзувда йўл қўйилган хатоларни ва арифметик хатоларни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг аризасига кўра тузатишга ҳақли. Ёзувда йўл қўйилган хатоларни ва арифметик хатоларни тузатиш тўғрисидаги аризани низони ҳал қилган ҳакамлик суди таркиби ариза олинган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқиши керак.

Тегишли аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг таркибий қисми бўлган ёзувдаги хатоларни ва арифметик хатоларни тузатиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

43-модда. Ҳакамлик судининг ажрими

Ҳакамлик суди низонинг мазмунига дахл қилмайдиган масалалар юзасидан ажрим чиқаради.

Ҳакамлик судининг ажрими устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

44-модда. Ҳакамлик муҳокамасини тугатиш

Ҳакамлик суди қуйидаги ҳолларда ҳакамлик муҳокамасини тугатади:

ҳакамлик суди ўз ҳал қилувига топширилган низони кўриб чиқиш учун ҳакамлик суди ваколатга эга эмаслиги тўғрисида ажрим чиқарса;

даъвогар ўзининг даъво талабидан воз кечса ва жавобгар ҳакамлик муҳокамасини тугатишга қарши эътироз билдирмаса;

ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик муҳокамасини тугатиш тўғрисида келишувга эришса;

ҳакамлик муҳокамаси тарафлари келишув битими тузса ва у ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан тасдиқланса;

ҳакамлик муҳокамаси тарафи бўлган юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилган бўлса;

ҳакамлик муҳокамаси тарафи бўлган жисмоний шахс вафот этган бўлса ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса ёхуд бедарак йўқолган деб топилган бўлса ва ҳуқуқий ворисдан ҳакамлик муҳокамасини давом эттириш тўғрисида ариза тушмаса;

айни бир ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича келиб чиққан низо юзасидан ваколатли суднинг

Фан — ишлаб чиқаришга

Кейинги йилларда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан барча соҳалар қатори илмий-тадқиқот борасида ҳам ишлар самарадорлигини оширишга, иқтисодий ривожланишда фан-техника ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

КАПСУЛЛАНГАН ЧИГИТ

синовдан муваффақиятли ўтди

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли эса муайян натижалар қўлга киритилаяпти. Бунда, табиийки, илмий-тадқиқот муассасаларида мақсадли лойиҳаларнинг молиялаштирилиши, илмий жамоаларнинг рағбатлантирилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтида олиб борилаётган кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари, хусусан, деҳқончилик маданиятида асосий бўғин ҳисобланган уруғ сифатини яхшилаш бўйича изланишлар фикримизнинг тасдиғидир. Мухбиримизнинг мазкур институт директори, академик С.Ш. РАШИДОВА билан қилган суҳбати шу хусусда.

— Маълумки, мамлакатимиз дунёда пахта етиштирувчи давлатлар орасида етакчи ўринни эгаллайди, — деди Сайёра Шарофовна. — Ҳар қандай экиндан мўл ҳосил олишнинг биринчи шарти — сифатли уруғ тайёрлаш.

Кўп йиллик изланишлар давомида институтимиз жамоаси томонидан уруғлик чигитнинг капсуллаш технологияси яратилди ва у қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга изчил татбиқ этилмоқда. Албатта, сифатсиз уруғ мўл ҳосил олиш имкониятини йўққа чиқаради. Шу боис биринчи навбатда ер эгаси — фермер пахтачилик илмидан чуқур хабардор бўлиши, синалган, тажрибадан ўтган уруғларни танласагина ҳосилига ҳосил қўшилади.

— Янгилик яратишдан мақсад фойда кўриш, албатта. Шу маънода, капсулланган чигит экиш қишлоқ хўжалиги соҳасига қай даражада наф келтираяпти?

— Аввало, қишлоқ хўжалик ўсимликларини кимёвий ҳимоя қилишда полимерлар шаклида капсуллашнинг экологик тоза, хавфсиз технологик жараёни ишлаб чиқилгани ва бунда асосий эътибор туксиз уруғлик чигитни капсуллашга қаратилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бир қатор ихтисослашган заводларнинг ишга туширилиши айни муддао бўлди. Мисол учун, Сурхондарё вилоятидаги "Олтин чигит", Андижон вилоятидаги "Андижон чигит" қўшма корхоналари, Бухородаги "DAGRIS" уруғлик компанияси, Наманган вилоятидаги "Миришкор" масъулияти чекланган жамияти, Самарқанд вилоятидаги "Жомбойтекс" ва Тошкент вилоятидаги "ХакиПет" қўшма корхоналари шулар жумласидандир. Мазкур заводларда қишлоқ хўжалиги ўсимликлари уруғларига сувда эрувчан биологик актив полимерлар билан ишлов берилиб, улар капсулланмоқда. Капсуллаш жараёнида импорт ўрнини босувчи маҳаллий хомашёлардан фойдаланилаётгани эса давлатимиз валюта заҳирасини тежашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Капсулланган уруғнинг энг асосий жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, у экологик тоза, шунингдек, тупроқда учрайдиган турли инфекцияларга чидамлилиги боис ундан соғлом кўчат униб чиқади. Табиийки, бундай кўчатнинг ҳосилдорлиги ва тола сифати юқори бўлади.

Ҳозирда бир гектар майдонга ўртача 60-70 кг. чигит қадалмоқда. Аслида 20-25 килограммини ишлатиб, мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин. Уруғлик, қўшимча меҳнат кучи сарф қилиниши оқибатида ортиқча маблағ бой берилаяпти.

Энди бевосита мақсадга кўчсак, институтимиз жамоаси томонидан 2000-2005 йиллар давомида Сурхондарё вилоятидаги "Олтин чигит" қўшма корхонасида 319,1 тонна, Наманган вилоятидаги "Миришкор" МЧЖда 62,5 тонна, Андижон вилоятидаги "Андижон чигит" қўшма корхонасида 476,1 тонна капсулланган уруғлик чигит тайёрланиб, экин майдонларига экилди.

Капсулланган чигит илдиз чириши касаллигига чидамли, ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам унувчан бўлганлиги туфайли ундан фойдаланилган хўжаликларда ҳосилдорлик ўртача 3-4 центнерга ортди. Буни деҳқон, фермер, агроном, ширкат хўжалиги раҳбарларидан бизга келган миннатдорчилик мактублари ҳам исботлаб турибди. Мана, улардан айримлари:

"Туманимиздаги Бобур номли хўжаликда 2005 йили 3500 кг. туксизлантирилган чигитни 21 мартдан бошлаб экишга киришдик. Афсуски, экиш энди тугаганда, кўп ёмғир ёғди. Орадан бир неча кун ўтгач, текшириб кўрдик. Бир метр ерда ўртача 8-9 дона ғўза ниҳоли униб чиқибди. Уруғни қайта қадашга ҳожат қолмади.

Мутахассис сифатида мени капсулланган чигитнинг совуққа чидамлилиги ҳам ҳайрон қолдирди. Келгусида бундай уруғликдан янада кўпроқ фойдаланиш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Фурсатдан фойдаланиб, институт илмий жамоасига туманимиз пахтакорлари номидан раҳматлар айтамиз.

Ҳурмат билан,

Денов тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бош зироатшуноси А.ЮСУПОВ ва Бобур номли ширкат хўжалиги бош ҳисилоти И. ОРТИҚОВ".

"Мутахассислигим агроном бўлгани боисми ё асли пахтачилик соҳасига иштиёқим баландлигиданми, бу тармоқда юз бераётган ижобий ўзгаришлардан қувониб юраман. Мана, 2-3 йилдирки, туманимиз далаларига капсулланган чигит экиляпти. Тўғри, ҳар қандай янгилик аввал лабораторияларда, тажриба-синов участкаларида белгиланган тартибда қайта-қайта синаб кўрилгач, у бевосита ишлаб чиқаришга жорий қилинади.

Мен хўжаликлар далаларига экилган капсулланган чигитдан униб чиққан ғўзаларнинг ўсиши, ривожланиши, қўйингки, уларнинг барча ҳолатини кузатиб, ўзимча таҳлил қилиб бораман. Мисол учун, 2005 йилги ҳосил учун ерга уруғ қадалаётганда, об-ҳаво анча ноқулай келди. Бироқ шу йилнинг 14 июнь ҳолатига кўра, очиқ майдонга экилган ғўзанинг ўсиб ривожланиши қониқарли ва баландлиги ўртача 25-30 см. Ҳар туп ғўзада 2-3 тадан шона, бир гектар майдонда ўртача 90 минг кўчат бор. Бир пайтда очиқ майдонларга экилган тукли чигитдан униб чиққан ғўзанинг аҳволи эса қуйидагича: бир гектар майдонда ўртача 70 минг туп кўчат бор. Ғўзанинг баландлиги 20-25 см. Ҳар тупида ўртача 2 та шона мавжуд. Капсулланган чигитнинг яна бир афзаллиги шундаки, уни экиш олдидан ивитиш шарт эмас. Экилганидан сўнг 5-6 кунда ғўзанинг қулоғи кўринади. Бир сўз билан айтганда, капсулланган чигит экиб, кам бўлаётганимиз йўқ. Туманимиз пахтакорлари номидан уруғлик чигитни капсуллаб экиш технологиясини яратган олимлардан миннатдормиз.

Кўпчилик номидан,

Сариосиё тумани "Дашнобод" ширкат хўжалиги бош ҳосилоти А. ОЛИМОВ».

Халқимизда "Илм йўли мисоли игна билан қудуқ қазишдек гап" деган нақл бор. Шу маънода юқоридаги хатлар заҳматкаш, фидойи олимлар меҳнатига деҳқонларнинг раҳматидир, десак муболаға бўлмайди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Тақдимот

Ўзбек киносининг хориждаги эътирофи

"Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмаси асосида режиссёр Ёлқин Тўйчиев суратга олган "Орзу ортида" бадиий фильми яқинда Қозоғистоннинг Олма-ота шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кинофестивалда "Энг яхши бадиий фильм" деб топилди.

Қисқа метражли "Робия" фильми эса мазкур фестивалнинг дипломи билан тақдирланди. Россиянинг Иркутск шаҳрида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Инсон ва табиат" номли халқаро танлов бўлиб ўтди. Илмий-оммабоп, ўқув ва ҳужжатли кинолар намойиш этилган ушбу тадбирда ҳамюртимиз С.Эгайнинг "Саҳро маржонлари" фильми танлов ҳайъатининг махсус совринига муносиб деб топилди. Боку шаҳрида бўлиб ўтган "Шарқ-Ғарб" ҳамда Олма-отада ташкиллаштирилган "Евразия" кинофестивалларида ҳам юртимиз киноижодкорлари учун муваффақиятли кечди. Озарбойжон пойтахтида "Ватан" фильмидаги образи учун актриса Раъно Шодиева "Энг яхши аёл роли" номинацияси ғолиби деб топилган бўлса, "Йўл бўлсин" бадиий фильми режиссёри Қ. Камолова Қозоғистонда "Энг яхши режиссёрлик иши учун" совринини қўлга киритиб қайтди.

Ўзбекистон Киночилар уйида ташкил этилган анжуманда турли халқаро танловларда эътироф этилган ана шундай фильмлар тақдимоти бўлиб ўтди. Унда иштирок этган мазкур фильмлар ижодкорлари томошабинлар билан учрашиб, тасвирга олиш жараёни, асарнинг мақсади ва аҳамияти ҳақида сўзлаб бердилар. Шуниси диққатга сазоворки, юқорида санаб ўтганимиз сўнгги икки-уч ойдагина қўлга киритилган муваффақиятлар. Анжуман қатнашчилари ўзбек киночилиги бу каби ютуқларга қўлаб эришиши ва бунинг замирида мамлакатимизда кино санъатига қаратилаётган катта эътибор борлигини таъкидлашди.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

AGROTECH

«CASE CE» КОМПАНИЯСИНИНГ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТОРИ БЎЛИБ, У ЕР КАВЛАЙДИГАН, ҚУРИЛИШ ВА ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИГАН ТЕХНИКАЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛТИРИБ БЕРИШ БЎЙИЧА 10 ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГАДИР.

«AGROTECH» компанияси қуйидаги хизматларни таклиф этади:
- «CASE CE» компаниясида ишлаб чиқарилган техникаларни етказиб бериш;
- «CASE CE» компаниясида ишлаб чиқарилган техникаларнинг барча таъмирлаш ишларини бажариш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш;
- асл (оригинал) эҳтиёт қисмларни сотиш;
- лизинг орқали техникаларни олишда ёрдам кўрсатиш, техника ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун турли хил молия схемаларини таклиф этиш.

100074, Тошкент ш., Мухтор Ашрафий к., 108-уй.
Телефон: +998 71 120-60-30.
Факс: +998 71 120-60-20.
E-mail: agrotech@globalnet.uz

CASE
ПРОФЕССИОНАЛ ШЕРИК

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги объектларга танлов савдоларида қатнашиш учун талабгор ташкилотларнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича танлов эълон қилади:

ЛОТ-1-2:
ЛОТ-1. **Ургут тумани, Нисбат қишлоғидаги 82-мактабни капитал таъмирлаш.**
ЛОТ-2. **Самарқанд шаҳридаги иқтидорли болалар мактабини капитал реконструкция қилиш.**

Қурилиш ишлари Бюджетдан ташқари мактаб жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили — Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 1-уй.
Телефон: (8-3662) 35-82-86.

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик ҳолатида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорлар, таъсис ҳужжатлари бўйича холдинг ёки бошқа шаклларда бир-бирига бевосита ташкилий ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши таъқиқланади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Умумтаълим мактаблари бўйича танлов савдоларида қатнашиш учун 2004-2006 йиллар давомида ҳар йили камида 500 млн. сўмлик қурилиш ишларини бажарган бўлиши керак.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 2-Г корпус, 208-хона.
Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.

Олдиндан малакасини аниқлаш бўйича бир тўплам ҳужжатлар қиймати — 30 000 (ўттиз минг) сўм.
Танловдан ўтган ташкилотлар учун 2-пакет ҳужжатларининг бир тўплами қиймати — 30 000 (ўттиз минг) сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: **Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 2-Г корпус, 208-хона. Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдонида, соат 10.00 да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

«NG SERVICE» МЧЖ

Юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

«NG SERVICE» МЧЖ дунёнинг қуйидаги машҳур компаниялари сервис-маркази ҳисобланади: Hewlett-Packard, EPSON, APC, Fujitsu SIEMENS Computers, LG, Canon, Xerox, MASTER GUARD.

Сервис-марказ
кафолатли, кафолат муддатидан кейинги таъмирлаш, компьютерлар, принтерлар, UPS, нусха кўчириш техникасига хизмат кўрсатиш ҳамда локал-ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишларини бажаради.

Шунингдек,
етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асл (оригинал) бутлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларини улгуржи-чакана савдосини ҳам бажаради.

Ўзбекистоннинг 12 минтақасида филиалларимиз мавжуд.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 2-уй.
Мўлжал: «Авиасозлар» саройи.
Телефонлар: 194-57-85, 194-57-87, 199-50-22, 199-52-84.
E-mail: support@nuron.uz

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«МЕДИОФАРМ»
ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

Сизларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!

Истагимиз — ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.

«ЎЗТРАНСГАЗ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

бош энергетик лавозимига танлов эълон қилади.

Номзоднинг иш тажрибасига доир талаблар:
- *110-35-6 (10) кВТ электр таъминоти воситалари, электр ускуналар, 6 кВТ, 4,0-6,3 кВТ электр узатиш КСлари, саноат майдончалари, релели муҳофаза ва автоматика воситалари;*
- *сув таъминоти объектлари (сув чиқариш иншоотлари, сув ўтказгичлар, насос станциялари);*
- *иссиқлик таъминоти станцияларини (қозонхоналар, иссиқлик трассалари) эксплуатация қилиш.*

Энергетик мутахассислиги бўйича камида ўн йиллик иш стажи.

Кадрлар ва ижтимоий ривожлантириш бошқармаси алоқа телефони: **139-89-63.**

Манзил: Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб к., 31-«а» уй.

ҚУРИЛИШ, КАДАСТР, ҚИДИРУВ ТАШКИЛОТЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

- қурилиш учун ўлчаш асбоблари;
- зарар келтирмайдиган назорат ва техник диагностика асбоблари ва жиҳозлари;
- оптик нивелирлар ва теодолитлар, рақамли ва лазерли нивелирлар;
- фиберглосс ва металл рулеткалар (3 м., 5 м., 8 м., 20 м., 25 м., 30 м., 50 м., 100 м.), телескопик нивелир рейкалар;
- электрон теодолитлар, узоқликни ўлчаш асбоблари, GPS-приёмниклар, электрон тахеометрлар, GARMIN шахсий автонавигаторлари.

Кредитга бериш имконияти бор.

Навоий кўчаси, 2-а уй. Тел.: 142-46-31. Факс: 134-53-66. Тел.: 316-59-41.
E-mail: geo_inform@yahoo.com

Хизматлар лицензияланган. Trimble расмий шериги Товар сертификатланган.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Ташкилот ва хусусий тадбиркорлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси

қуйидаги маркадаги оргтехникаларни сотиб олиш мақсадида такроран танлов эълон қилади:

ЛОТ № 1 — қуйидаги русумдаги компьютерлардан — 70 дона: Pentium 4 Celeron 2.13 GHz, 256 MB DDR pc 3200, SVGA int. 64 MB, HDD 80GB 7200 rpm, Lan 100 Mbit, CD-rom, FDD, Keyboard multimedia, mouse optikal, Monitor 17.
ЛОТ № 2 — CANON 3110 MPF Printer нусха, сканер — 70 дона.
ЛОТ № 3 — Модем тури F-MODEM U.S. ROBOTICS 56K EXTERNAL №5630, №5633; FAX-MODEM D-LINK (Tp-LINK) EXTERNAL 56 K V 90 VOICE DFM-560 EL. — 70 дона.

Танловда иштирок этишни хоҳлаганлар, компьютер ва оргтехника жиҳозлари бўйича нархини, етказиб бериш ва кафолат муддатларини ҳамда мувофиқлик сертификатларини, ёпиқ ва муҳрланган конвертда **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-«А» уй** манзили (девонхона)га тақдим этишларини сўраймиз.
Мурожаат учун телефонлар: **135-43-74, 135-48-94, 135-48-90.**
Танлов муддати — жорий йилнинг 31 октябрь куни соат 18.00гача.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан

Муқаддас ислом динининг софлиги, унинг юксак инсоний фазилатларга эга маънавий баркамол инсонларни тарбиялашдек асл мазмун-моҳиятини теран англаб, тўғри талқин қилишда юртимиздан чиққан олиму уламоларнинг улкан хизматлари жумлаи жаҳон аҳлига яхши маълум. Шу билан бирга ислом дини тарихининг дастлабки даврларидан пайдо бўлиб, жамиятда носоғлом ва беқарор вазиятни вужудга келтирган турли бузғунчи диний оқим ва гуруҳларга қарши курашда ҳам кўплаб улуғ ватандошларимиз салмоқли ҳисса қўшганлар. Шу ҳаётий муҳим йўналишда самарали фаолият кўрсатган буюк сиймолардан бири насафлик олим Макҳул ан-Насафийдир.

БУЮК АЖДОДЛАРДАН БИРИ

Олимнинг тўлиқ исми Абу Мутиъ Макҳул ал-Фазл ан-Насафий бўлиб, унинг таваллуд санаси ҳақида ҳозирча манбаларда бирор маълумот учратмадик. Аммо вафот этган йили ҳақида барча адабиёт ва ёзма асарларда ҳижрий 318, милодий 930 сана кўрсатилган. Макҳул ан-Насафий юксак илму маърифати билан танилиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган сулолалардан бирининг асосчиси сифатида ҳам машҳурдир.

Жумладан, унинг ўғли Муҳаммад ибн Макҳул гарчанд илм-фан соҳасида отаси даражасига етмаган бўлса-да, лекин ҳанафий мазҳаби олимлари ўртасида юқори мақомга эга бўлган. Шу боис ҳам ҳанафий олимларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятларига бағишланган «ал-Жавоҳир ал-музийа фи табақот ал-ҳанафийа» (ҳанафийлар табақасига мансуб олимлар ҳақида ёрқин жавоҳирлар) номли беш жилдлик қомусий асарнинг муаллифи Ибн Абул Йофиъий ҳақда айрим эътиборга молик хабарларни келтирган. Унинг набираси Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Макҳул ан-Насафий ҳам таниқли фақиҳ бўлиб, у 943 йилда Насафда туғилган. Олим бир неча йил Бухорода фаолият кўрсатган ва 989 йилда шу шаҳарда вафот этгач, жасади Насафга келтирилиб дафн қилинган. Макҳул ан-Насафийнинг жияни Абул Маоълий ал-Мўътамад ан-Насафий ал-Макҳулий X асрнинг иккинчи ярмида яшаган ва ўз даврида илму ирфон йўлида хизмат қилган олимлардан ҳисобланган. Лекин бу олимлар сулоласидан уч авлод ўтгач етишиб чиққан улуғ мутакаллим Абул Муъйин ан-Насафий (1027-1114) эришган юксак мақомга улардан бирортаси ҳам етишмаган. У буюк мутакаллим Абу Мансур ал-Мотурудий асос солган Мотурудия калом мактабини янада ривожлантириб, унинг Шарқ мамлакатларига кенг кўламда тарқалишига салмоқли ҳисса қўшган. Абул Муъйин ан-Насафийнинг қаламига мансуб «Табсират ал-адилла», «Бахр ал-калом», «Китоб ат-Тамҳийд лил қавоиъд ат-тавҳийд» номли асарлари ақидавий масалаларни ўрганишда қимматли манба сифатида илм аҳлларига яхши маълум.

Макҳул ан-Насафий ўз даврининг етук фақиҳ, мутакаллим ва мутасаввуф олими сифатида танилган. Унинг қаламига мансуб асарлар ҳақида ёзган тадқиқотчилар олимнинг қуйидаги асарларини зикр қиладилар: «Китоб фит-тасаввуф» (Тасаввуф ҳақида китоб), «Китоб ал-Луълиъат фил-мавоъиз» (Мавъизалар бўйича марваридлар). Бу китоб мавъизалар хусусидаги дастлабки асарлардан ҳисобланиб, у кенг халқ оммаси учун фойдали бўлган одобахлоқ, панд-насиҳатлардан ташкил топган ва таркибий жиҳатдан 135 боб шаклида таълиф этилган. Турк олими Фуод Сезгин «Китоб фи фазли Субҳон Аллоҳ» номли асарни ҳам унга тегишли деб ҳисоблайди. Макҳул ан-Насафийнинг яна бир асари «Аш-Шуъо» (Ёғду) деб номланган. Бу асарнинг қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган бўлиб, унда ислом динининг арконлари, хусусан намоз ўқиш тартиботлари ва унинг фазлу хосиятига оид масалалар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Шубҳасиз, Макҳул ан-Насафийнинг ҳам илмий, ҳам амалий нуқтаи назардан энг қимматли асари «Китоб ар-Радд аъло аҳл ал-бидъат вал-аҳво» (Бидъат аҳли ва айниган ҳавойиларга раддия китоби) дейиш мумкин. Маълумки, ўрта асрларда ўзларининг ботил ғояларини тарғиб қилган турли-туман диний гуруҳлар ва оқимлар фаолият кўрсатиб, жамият аъзолари ўртасида парокандалик тарқатиб, ислом динимизга ҳам катта зарар етказган. Немис шарқшуноси Ульрих Рудольфнинг ёзишича, «Китоб ар-Радд» X асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда ёзилган. Бу ўзига хос нодир манбадан ўша даврда пайдо бўлиб, хилма-хил ихтилофларни келтириб чиқарган кўплаб диний оқимлар, фирқалар ҳақида аниқ ва мукаммал маълумотларни олиш мумкин.

Муаллиф ўз асарида ўша даврда бепоён ислом оламининг турли томонларида зоҳир бўлган кўп сонли оқимларни олти гуруҳга ажратиб келтирган: қадария, жаҳмия, рофизия, ҳарурия, жабария, муржиъа. Ўз навбатида, ҳар бир гуруҳ 12 тоифага ажратилган бўлиб, асарда жами 72 гуруҳ ва фирқалар, уларнинг таснифлари ҳақида баён қилади. Энг муҳими, Макҳул ан-Насафий бу гуруҳлардан ҳар бири илгари сурган ботил ғоялар ва асоссиз даъволарнинг бидъат ва хурофот эканлигини Қуръони Карим оятлари ва Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларидан далиллар келтирган ҳолда ўз раддияларини билдиради. Мазкур оқимларга нисбатан ҳанафия мазҳаби нуқтаи назаридан туриб ёзилган ушбу асар айни вақтда ислом динидаги турли-туман оқимлар тарихи тўғрисидаги дастлабки асарлардан саналиб, улар ҳақида мукаммал маълумот берувчи қимматли манбадир. Шу билан бирга асарда зикр этилган оқимларнинг асосий хусусиятлари қиёсий тадқиқ этиш учун ҳам етарли даражада баён этилганлиги асар аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Макҳул ан-Насафийнинг бу қимматли асарининг ягона, айтиш мумкинки, ноёб қўлёзма нусхаси Оксфорддаги Бодлиян кутубхонасида сақланади. Қўлёзма 145 варақдан иборат бўлиб, у 1143 йили, яъни муаллиф вафотидан 213 йил ўтгач, исми шарифи ҳозирча номаълум хаттот томонидан кўчирилган. Бу нодир қўлёзма устида илмий тадқиқотлар олиб борган француз олимаси Мария Бернанд уни нашр этиб, ғоятда муҳим ишни амалга оширди. Бу қимматли нашр 1980 йилда Қоҳирада чоп этиладиган «Ал-ҳовлиййат ал-исломалужиййа» (Исломий солномалар) номли журналнинг 16-жилдида эълон қилинган. Мамнуният билан қайд этиш керакки, француз олимаси асарнинг танқидий нашрини илм-маърифат аҳлига тақдим қилиш билан бирга унга ўн икки саҳифадан иборат батафсил кириш сўз ҳам битган. Унда бу манбанинг тили, услуби, унинг мазмун-маъноси ҳақида ҳам талай маълумотлар келтирилади. Олиманинг машаққатли изланишлари натижаси ўлароқ яратилган ушбу танқидий нашр туфайли кенг кўламдаги китобхонлар оммаси, айниқса исломий илмлар тадқиқотчилари Макҳул ан-Насафийнинг бу қимматли асари ҳақида етарли тасаввурга эга бўладилар.

Убайдулла УВАТОВ,
Тошкент Ислом университети Манбалар хазинаси мудири, тарих фанлари доктори.

Профессионал бокс

Аввал хабар берганимиздек, 14 октябрь куни пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида профессионал бокс кечаси уюштирилди.

МУХЛИСЛАР КУТГАН ҒАЛАБАЛАР

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси ва «Меҳржон спорт» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тўрт ва саккиз раундлик рейтинг жангларида юртдошларимиз Алишер Раҳимов (59 кг), Фарҳод Бакиров (66 кг), Қувончбек Тойғонбоев (69 кг), Икром Бердиев (72 кг) ва Ғайрат Аҳмедов (91 кг)лар ўз омадларини синовдан ўтказдилар.

Уларнинг рақиблари Украина, Россия ва Беларусь давлатларидан келган номдор боксчилар бўлди.

Дастлаб WBA йўналиши бўйича тўрт раундлик жангларда бўлиб ўтди. Биринчи бўлиб рингга ҳамюртимиз Ғайрат Аҳмедов ва Валерий Волжин (Россия)лар кўтарилишди. Учрашув дуранг натижа билан якунланди.

Тўрт раундлик баҳсларда рингга кўтарилган иккинчи боксчимиз Икром Бердиевнинг профессионал боксга ўтганига ҳали кўп бўлгани йўқ. У профессионал боксда 4 та жанг ўтказиб, шундан 3 тасида ғалаба, 1 ўйинда эса мағлубиятга учраганди. Афсуски, Икром россиялик Руслан Семёновга қарши ўтказилган жангда кутилганидек ўйин намойиш эта олмади. У унча кучли бўлмаган рақибидан нокаут ҳолатида мағлубиятга учради.

Саккиз раундлик жангларда юртдошларимиз муваффақиятли иштирок этдилар. Дастлаб WBA рейтингида тўққизинчи ўринда бораётган Фарҳод Бакиров рингга чиқди. У шу кунгача профессионал боксда 22 (17 та нокаут)та ғалаба, 2 та дуранг натижага эришган. Унинг рақиби россиялик Сергей Старков ҳам профессионал боксда анча танилиб қолган. Учрашувда ҳамюртимиз очколар ҳисобида ғалаба қозонди.

WBO йўналиши бўйича қитъалараро чемпион Қувончбек Тойғонбоев профессионал боксда 23 та ғалаба (16 та нокаут)га эришган, 4 учрашувда мағлубиятга учраганди. Унинг бу галги рақиби Александр Воевода (Беларусь) боксчимизнинг зарбаларига жавоб қайтаролмади. Учрашувда ғалаба қозонган Қувончбек рейтинг очколарини анча яхшилаб олди.

Сўнгги рейтинг жанги Алишер Раҳимов ва Олег Ефимович (Украина)лар ўртасида бўлиб ўтди. Ҳаваскорлар ўртасида Осиё ва Европа чемпионлари баҳси кутилганидек муросасиз кечди. Якунда ҳамюртимиз очколар ҳисобига зафар қўлга киритди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАВФСИЗЛИК — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ҳар куни эрталаб ишга, ўқишга ва бошқа турмуш ташвишлари билан йўлга отланамиз. Юмушларимизни тезроқ битказишга ҳаракат қиламиз. Баъзан эса йўлда ҳушёрликни унутиб қўямиз. Оқибатда турли кўнгилсиз воқеаларга дуч келамиз. Бундай нохуш ҳодисаларнинг олдини олишда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари жонимизга оро киради, албатта.

— Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида тушунтириш ва тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди Урганч шаҳар ИИБ ЙҲХБ инспектори, катта лейтенант Баҳром Ибрагимов. — Бунинг натижасида шаҳримизда бу йил ўтган йилдагига нисбатан йўл қоидаси бузилиши ҳолатлари анча камайди. Агар рақамларга эътибор қиладиган бўлсак, йўл-транспорт ҳодисалари сони 9 тага, жароҳат олганлар сони 13 тага озайди.

Афсуски, улар таҳлил қилинганда, фалокатга кўпчилик ҳолларда бепарволик, оддий йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаганлик сабаб бўлгани ойдинлашади. Мисол учун, ота-оналар ва ўқитувчиларнинг болаларни эътиборсиз қолдириши оқибатида йўл қоидаларининг бузилиши ҳолатлари учрамоқда. Шу боис ўқув муассасаларида йўл қоидаларига амал қилинишини тарғиб қилишни кучайтириш мақсадида «Биринчи қўнғироқ», «Диққат, болалар!» тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ички ишлар бўлимининг ходимлари ўзига бириктирилган мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати қоидалари бўйича мунтазам суҳбат ва учрашувлар ўтказмоқдалар. Шаҳар кўчалари, пиёдалар ўтиш жойлари ва йўлакчалари ҳолати тегишли ташкилотлар ходимлари билан кўрикдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси йўл-транспорт ҳодисаларининг сезиларли даражада камайишида муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, ўқувчиларнинг йўлни хавфсиз кесиб ўтишларини таъминлаш мақсадида 14 та пиёдалар ўтиш жойи ётиқ чизиқлар билан белгиланди. «Диққат, болалар!» тадбири давомида эса Урганч шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли мактаб ва мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчилар учун ўқув семинарлари ташкил этилгани ҳам яхши самара бермоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Урганч шаҳридаги 2-«Ғунча» мактабгача таълим муассасасида ўтказилган «Яшил чироқ» тадбиридан лавҳалар.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги «Қизғалдоқ» ҚФЙ ҳудудида жойлашган «М. Фозилов — Бахтли Сут» МЧЖга қарашли чорва фермаси СОТИЛАДИ.
Мурожаат учун телефон: 103-03-64.

Российский линолеум
Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 123456